

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

TARIX ФАКУЛЬТЕТИ

**Заҳриддин Муҳаммад Бобур илмий меросининг
Ўзбекистонда ўрганилиши**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ

**БАЖАРДИ: Ўктамов Абдор
ИЛМИЙ РАҲБАР: Ишанходжаева З.**

Тошкент – 2013

КИРИШ.....	
I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИГАЧА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ.....	
1.1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби: шоҳ, саркарда, шоир	
1.2. Ҳиндистонда Бобур даври туркий (ўзбек) адабий муҳити.....	
1.3. Манбалар тилга кирганда.....	
II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ҲАЁТИНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ.....	
2.1. Мустақиллик йилларида Бобур ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор.....	
2.2. Манбаларда Бобур маҳоратли саркарда сифатида талқин қилинади.....	
2.3. Бобур изларидан.....	
ХУЛОСА.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
ИЛОВАЛАР.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Чунончи, Искандари Мақдуний, Сукрот, Арасту, Букрот, Еврипид, Ҳомер номларини эслаганимизда, буюк элдин маданиятининг улуғворлиги ва нафосати билан кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулғози Баҳодирхон, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари шоҳ, хон ва амирлар; Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Абу Мансур ас-Саолибий, Маҳмуд Замаҳшарий сингари дунёвий: ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар алломалари; Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Зайд Дабусий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби ҳадис, калом, дин ва тасаввуф илми уламолари; Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Лутфий Шоший, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Моҳларойим Нодири, Жаҳонотин Увайсий, Зокиржон Фурқат ва уларнинг сафдошлари бўлган сўз санъаткорлари эса Ватанимиз ўтмиши қиёфасини тасаввуримизда жонлантиради.

Президентимиз Ислом Каримов шунинг учун ҳам миллий-маънавий қадриятларимиз вакилларининг таваллуд тантаналарини нишонлаш хусусида шундай ёзган эдилар: *“Халқимиз Республикамиз ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машираб, Фурқат, Қодирий ва юртимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлигини бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало, ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз”*.

Кейинги йилларда олимларимиз ўзбек адабиётининг Алишер Навоий, Лутфий, Бобир, Фурқат, Муқимий сингари йирик намояндалари ижодини, уларнинг бой бадиий, илмий меросини ўрганиш соҳасида жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек классик адабиётининг муҳим назарий масалаларини ўрганиш соҳасида эришилаётган ана шу ютуқларнинг барчаси, ҳеч иккиланмай айтишимисиз мумкинки, олимларимизнинг муносиб улушлари бор.

“Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: *“Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фаҳрлансак арзийди. Ўзбек халқининг*

довругини дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади”. «Биз Бобур Мирзони улкан давлат арбоби сифатидагина эмас, қомусий аллома, мумтоз шоир сифатида ҳам чексиз қадрлаймиз. Бобур ўзбек халқининг буюк фарзанди, миллий ғуруридир».¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб тантанали нишонланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Халқаро Бобур жамғармаси ташкил этилиб, унинг илмий экспедицияси 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб илмий сафарлар уюштирди.

Бобур ва бобурийлар қадамжолари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўпланди. Мазкур маълумотлар асосида ўндан зиёд илмий, ҳужжатли ва бадиий асарлар яратилди.

Мазкур тадқиқот мавзуининг долзарблиги шундан иборатки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётини ўрганиш, илмий меросини тадқиқ этиш биз ўрганаётган тадқиқот ишимизнинг долзарб эканлигини кўрсатиб беради. Зеро, шоир, ҳам давлат ва сиёсий арбоб ижодининг қай даражада ўрганилганлиги, чет эл олимларининг ҳам Бобур шахси борасидаги илмий изланишларини олиб ўрганиш ва тадқиқ қилиш жуда муҳим саналади.

Ўрта Осиё тарихи, географияси борасидаги илмий қарашлари, ноёб манбалари тадқиқот ишимиз янги мавзу ва ўрганилиши керак, деган қарорга келдик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва ҳукмронлиги даври тадқиқот ишининг асосий мавзуси ҳисобланади.

Маълумки, тарихда жасур саркарда, одил ҳукмдор сифатида ном қозонган Бобур илм-фан ва санъат ҳомийси, бой адабий ҳамда илмий мерос қолдирган бетакрор шоир, олим ҳисобланади.

Унинг бебаҳо маънавий мероси бугунги кунда АҚШ, Афғонистон, Буюк Британия, Германия, Италия, Покистон, Словакия, Франция, Чехия, Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг Шарқшунослик марказларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Тадқиқот ишида маълумот берилганидек,

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. 1996. 158-бет

Бобурнинг йирик ва машҳур асари — “Бобурнома” 1493-1529 йилларда содир бўлган воқеаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда муаллифнинг нафақат шахсий ҳаёти, балки у бевосита бориб кўрган вилоятларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, турли халқларнинг турмуш тарзи, маданияти ҳамда ўтмиши билан боғлиқ қимматли маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

Ўрта асрлардаги ижтимоий ҳаёт ҳамда тасвирий санъат, дин, адабиёт, астрономия ва тиббиётга оид асарларнинг намуналари тасвирланган миниатюралар ўша даврда хилма-хил маданиятлар ўзаро уйғунлашгани ҳолда, илм-фан жадал суръатда тараққий топганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, Бобур ўз бошқаруви даврида турли эътиқод вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, уларни давлат ва жамият ҳаётига бирдай жалб қилиш каби ғояларни ҳаётга татбиқ этади. Шунингдек, у аҳолининг барча қатламлари орасида маърифатни тарғиб қилиш тарафдори бўлгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам тадқиқот мавзусидан жой олган. Бу эса Бобур ва унинг авлодлари динлараро ҳамда миллатлараро бағрикенглик таъминланишини сиёсатнинг устувор вазифаси сифатида билганликларидан далолатдир.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Биз ўрганаётган мазкур мавзунинг аҳамиятли томони шундаки, қадриятимиз хазинасига тааллуқли, Ҳазрат Бобур томонидан қолдирилган бебаҳо адабий, тарихий ва адабиётшунослик, ислом ақоидларига оид асарлар, айниқса, унинг «Бобурнома»си адиб вафотидан хиёл ўтмасдан форс тилига, 1826 йили Лейден-Эрскин таржимасида Лондонда инглиз тилида, кейинроқ, 1828 йилда немис тилида, 1871 йилда француз тилида, 1921 йилда яна инглиз тилида ва кўплаб марта бошқа тилларда нашр этилди. Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби, Ж.Неру Бобурнинг ҳаёти ва ижодини муносиб баҳолаб “*Бобур –дилбар шахс эди*”, деб эътироф этганлиги фикримизнинг далилидир.

С.М.Беркнинг «Акбаршоҳ бобурийларнинг энг буюги», Л.П.Шарманинг «Бобурийлар салтанати» (инглизчадан Ф.Сотимов таржимаси) каби изланишлар олиб борганлар. Бугунги кунда профессорлар — Эйжи Мано (Япония), Сиртаутас Илза (АҚШ), Хурматжон Абдурахмон (Хитой), Магда Салах Махлуф (Миср), Танжу Сейҳан, Гулшен Сейҳан Алишик (Туркия), Абдулборий Рашид, Шафиқа Ёрқин, Ҳалим Ёрқин (Афғонистон), Ҳасан Бег, Иршод Усманий (Буюк Британия) Жумамурод Гурбангелдиев, К.Байрамов (Туркменистон), Ислом Жеменей (Қозоғистон) ва бошқалар Бобур ижоди ва фаолиятига оид илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бу эса буюк бобокалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, фаолиятини ўрганишга жаҳон ҳамжамиятнинг эътиборини бир

белгисидир. Бобур ижоди ўзбек олимларининг ҳам диққат-марказидадир. Айниқса, «Бобурнома» ҳозиргача ҳам кенг олимлар диққатини ўзига тортиб келмоқда. Олимларимиздан С.Азимжонов, С.Жалилов, Р.Шамсиддинов, Ҳ.Қудратуллаев каби тарихчилар, табиатшунослар, файласуф, адабиётшунос олимлардан Р.Воҳидов, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, С.Хасанов, Н.Отажонов, Х.Назарова, А.Иброҳимов, Ҳ.Ёқубов, З.Холмонова ва бошқалар Бобур ҳаёти, фаолияти ва ижодининг тарихий, адабий, саргузаштлик хусусиятлари ҳақида изланишлар олиб борганлар.

Бобур ижодини ўрганиш, айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин юксак поғонага кўтарилди. Бунда Президент Ислам Каримовнинг бу аллома шахсияти ва ижодига бўлган юксак муносабати алоҳида аҳамиятга молик.

Мамлакатимиз раҳбарининг *“Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар канча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуг аجدодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизнинг тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман”* деган сўзлари Ўзбекистонда бу аллома ижодинигина эмас, у билан боғлиқ тарихий, бадиий ва адабий манбаларни қидириб топиш, таржима ишларини жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг янгича самарали усулларидан фойдаланишга даъват деб билиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Шундан келиб чиқиб тадқиқотнинг асосий вазифаси Бобур ижоди, фаолиятини ўрганиш борасида амалга оширилган изланишларни тадқиқи этиш. Шунингдек, Бобур ҳаёти ва ижодига оид таҳлилий фактлар ва лойиҳалар исботи олинди.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Заҳриддин Муҳаммад Бобур фаолиятини ўрганишга оид бўлган ишлар, асарлар бакалаврлик ишининг объекти сифатида ўрганилади. Тадқиқот предмети ва объектини изланишга оид муаммоларни илмий ўрганишдан иборат қилиб олдик.

Тадқиқотнинг назарий ва методалогик асослари. Тадқиқот олиб боришнинг илмий усуллари сифатида: таҳлил, тизимли ёндошув, умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан умумийликка ўтиш усулидан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мақур тадқиқот ишимиз кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган манбалар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИГАЧА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ

1.1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби: шоҳ, саркарда, шоир.

Бобур (тахаллуси; тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо) (1483.14.2, Андижон 1530.26.12, Агра) — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир; тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъдодли саркарда; бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода.

Бобурнинг отаси — Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси Қутлуғ Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг кизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва оқила аёл бўлиб, Бобурга ҳокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Ҳоким ёз ойлари Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди. Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Бобур барча темурий шаҳзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илмфанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Бобур отаси йўлидан бориб, машҳур суфий — Хожа Аҳрорга ихлос кўяди ва унинг тариқати руҳида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик, «Бобурнома» асарида Бобур Хожа Аҳрор руҳи бир неча бор уни муқаррар ҳалокатдан, хасталик ва чорасизликдан ҳалос этганини, энг оғир шароитларда раҳнамолик қилганлигини таъкидлайди. Отаси Ахсида бевақт, 39 ёшида фожиали ҳалок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь).

Мовароуннаҳр XV аср охирида мустақил бўлиб олган кўпдан-кўп вилоятларга парчаланиб кетди.

Мовароуннаҳр тахти учун кураш авжга чиққан Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) буйсунишдан бош тортадилар. Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даъвосини қилади, яна бошқа бирлари Бобурга рақиб, бошқалари амаки, тоғаларига кўшилиб, уни йўқотиш пайига тушади.

Ўз амакиси Султон Аҳмад Мирзо билан ва тоғаси Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2-3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади.

Бобурнинг дастлабки сиёсий мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жиҳатдан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни мустаҳкамлаш, Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди.

Бу пайтда Самарқанд тахти ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандда давлатни 5-6 ойдан ортиқ идора этмади — қисқа муддатли касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода ҳоким бўлган ўғли Бойсунғур ўтиради. 1495-1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир канча жойларни ва 7 ойлик қамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Шаҳардан қамал туфайли эгуликка дон ҳам топиш мушкул эди.

Бобур қўшинни таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келади. Навкарларидан айримлари Андижон ва Аҳси томон қочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар. Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айни замонда, оғир хасталикни бошидан кечирган Бобур Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади.

Аммо Хўжандга етганида Андижон ҳам қўлдан кетиб, мухолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Маҳмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди, Бу муваффақиятсизлик Бобур қўшинига салбий таъсир кўрсатиб, кўпчилик бек, наварлар (700-800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содик кишилар (200-300) билан қолган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга — Маҳмудхон ҳузурига келиб, Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Марғилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни эгаллаш тадбирларини кўради. Ниҳоят, икки йилдан сўнг (1498 йил июнда) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...» қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва

Самарқанд орқали Қарши ва Шаҳрисабзгача бориб етади, катта ўлжа билан Дашти Қипчоққа қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннаҳрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қорақўлни эгаллайди (1499 йил), Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади (1500 йил). Бироқ, шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар. Бобур 1500 йил кеч кузида ўз қўшини (240 киши) билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскари қириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озик-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланади. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгиледи. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қуриydi, Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложликдан Самарқандни тарк этиб, Тошкентга – Маҳмудхон ҳузурига йўл олади.

Бобур Темурийлар салтанатини ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил кураш олиб борган бўлса-да, аммо мамлакатда ҳукм сурган оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида у мақсадига эриша олмайди.

1503 йили Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор-мор қилинади. Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501-1504 йилларда Бобур Фарғона мулкини қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзоларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва оғир солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннаҳрни тарк этишга (1504 йил июнь) мажбур бўлади.

Бобур 200-300 навқари билан Ҳисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб Ғазна ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал киришади, қўшинни тартибга келтиради, қаттиқ ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш,

ободонлаштириш, касбу ҳунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳроро», «Боғи Жаҳоноро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боло Ҳисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари шу ерда туғилади. 1506 йилнинг баҳорида вафот этган Қутлуғ Нигорхоним Мирзо Улуғбек шу ерда бунёд эттирган «Боғи Наврўзий»га дафн этилади.

Бобур Афғонистонда бир фотиҳ сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равнақи учун жон куйдирган тadbирли ҳукмрон сифатида кизгин фаолият кўрсатди, унинг манфаатлари йўлида одилона ва оқилона иш тутди. Афғонистондаги амалий фаолиятига кўра, Бобур бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда қудратли давлат бошлиғи ва музаффар саркарда сифатида катта обрў орттира борди, минтақадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўринга кўтарилди. Шайбонийларнинг тобора кучайиб бораётган юришига қарши биргаликда чора кўриш масаласида Султон Ҳусайн Бойқаро барча темурий ҳукмдорлар қаторида Бобурни ҳам маслаҳат йиғинига махсус таклиф этиши ана шундай юксак нуфузни кўрсатувчи далилдир. Бобур шу таклиф бўйича Ҳиротга отланади. Ҳусайн Бойқаронинг тўсатдан вафот этишига (1506 йил) қарамай, у Ҳиротга боради ва темурий ҳукмдорлар билан учрашиб музокаралар ўтказади. Темурий ҳукмдорларнинг бирлашиб Шайбонийхон кўшинларига тўсиқ қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада биринкетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар.

1507 йилнинг бошларида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Кобулга қайтади.

Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини кузатиб боради, ўз кўшинларини доимо шай тутати. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан қаттиқ тўқнашувда (1510 йил) у енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади.

Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга кўшин киритиб шайбонийларга кетма-кет шикаст етказа бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йилнинг баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрнинг бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик туғдиради. 1512 йил 28 апрелда Кўли малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Ҳисор томон кетади. 1512 йил кузида Бобур шоҳ Исмоил юборган Нажми Соний лақабли лашкарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Ҳузар (Ғузор)

калъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узоқ муддатли камалдан сўнг таслим бўлади, шаҳар химоячилари каттиқ жазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон жангида Бобур шайбонийлардан яна енгилиб, Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннахрни эгаллаш илинжидан узил-кесил умидини узади ва бутун эътиборини Ҳиндистонга қаратади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги 5-6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апрелда Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минглик аскар билан тор-мор қилиб, Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Ҳиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий ҳайрли ишларни амалга оширди, мамлакат тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустаҳкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтдан бошланган; «*Ул фурсатларда бирор иккирар байт айтур эдим*», деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлаши ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизғин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизғин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод аҳлини ўз атрофига тўплаб, ҳомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёт ва тарих, муסיқа ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод аҳлига, касбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтиром кўрғазиб ҳомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий

рағбатлантириб турди. Ижод ва санъат аҳлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шуғулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жиҳатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур 18-19 ёшларида рубойи ва ғазаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» радифли ғазали ва *«Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши»* мисраси билан бошланувчи рубойиси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини дилдан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш укубатлари, замона носозликларидан нола бадий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқ муҳаббат, севги, садоқат, висол ва ҳижрон мавзуси ҳам салмоқли ўрин тутди. Унинг ғазал ва рубойларида, туюқ ва маснавийларида маъшуқанинг мафтункор гўзаллиги, бекиёс хусну латофати, шарқона одобу ахлоқи, нозу карашмаси енгил ва ўйноқи, мусиқий ва равон мисраларда катта маҳорат билан тараннум этилади.

Бобурнинг ўз шеърий асарларини тўплаб, девон ҳолига келтирган санани кўрсатувчи аниқ тарихий маълумотлар маълум эмас. Аммо «Бобурнома»нинг 1518-1519 йиллар воқеалари баёнига бағишланган фаслида Бобур девонини Кобулдан Самарқандга юборганлиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннаҳрда ҳам тарқалган.

Ҳозирда унинг 119 ғазали, бир масну шеъри, 209 рубойиси, 10 дан оптик туюқ ва қитъалари, 50 дан ортик муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Бобур асарлари ўзининг жозибадорлиги, мазмундорлиги ва бадий теранлиги билан ажралиб туради. У ўзининг мураккаб ҳаёт йўли, зиддиятли дунёқараши ҳамда бой адабий-илмий тафаккури билан ўзбек шеърияти ривожига катта ҳисса қўшган, мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, тарихда давлат арбоби сифатида ном қолдирган.

Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари бекиёс кишилар жуда кам учрайди.

Ҳиндистон юришлари даври (1521 йил)да Бобур «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шарият ақидаларига бағишланган бу асарда Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиаҳд Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айни замонда, намоз, закот ва ҳаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарқ шеърятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини якунлайди. Бобур номини дунёга машҳур қилган шоҳ асари «Бобурнома» устидаги ижодий ишини 15181519 йилларда бошлаган (қ. «Бобурнома»).

Бобурнинг юқорида келтирилган асарларидан ташқари, «Хатти Бобурий», шунингдек, мусиқа санъати ва ҳарб ишларига махсус бағишланган қатор рисоалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асар матни ҳануз топилган эмас. «Хатти Бобурий»да муаллиф араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суиқасд уюштирилади. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига заҳар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва қўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳарҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб туради. 1527 йил октябрда Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охираб қолганини ҳис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Хожа Аҳрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърӣ таржима қилади.

Бобурнинг моҳир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илҳом билан жуда қисқа муддатда якунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамоноқ батамом соғайиб кетган. Бу йилларда у «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги-янги ғазал ва рубоийлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Ҳиндистонга келгали айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва қитъаларни Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, Ҳумоюн, Хожа Калон, Ҳиндол ва бошқаларга юборди. Ҳумоюн Мирзога аталган ижтимоий-ахлоқий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёрқин қирраларидан бири бўлди.

Бир неча муддат олдин подшоликни Ҳумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик (1539 йил), васиятига мувофиқ хоки Кобулга

келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боғи Бобур»га қўйилди (қ. Бобур мақбараси).

1.2. Ҳиндистонда Бобур даври туркий (ўзбек) адабий муҳити

1975 ва 1977 йилларда устоз Ҳамид Сулаймон бошчилигида Ҳиндистонга қилинган экспедициялар Бобур даврига оид тарихнинг ҳалигача номаълум тарафларини очди. Ҳофиз Хоразмий, Саид Қосимий, Форигий, Дийда, Азфарий каби катор, биз билмаган туркийгўй шоирлар қўлёзмалари Ҳиндистон фондларида мавжуд эканлиги аён бўлди.

Экспедиция давомида, Бобур ҳаёти ва ижодига оид қўлёзмалар изланиб, диққат билан ўрганилди. Ҳиндистон қўлёзма фондларида бошқа туркий шоирлар катори, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари қўлёзмаларининг янги нусхалари ҳам сақланмоқда. Бу янги нусхалар Бобур ижодини янада чуқурроқ ўрганишда катта имкониятлар яратди. Ваҳоланки, бизга Бобур шеърлар тўпламининг Париж, Рампур ва Туркия кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхаларигина маълум бўлиб, ўз навбатида улар ҳам шоир меросини нашр этишда бир-бирларини тўлдирадиган нодир қўлёзмалар эди. Айтиш керакки, мазкур қўлёзма нусхалардаги Бобур шеърлари бугунги кунгача тўлиқ чоп этилмаган.

Ўн олтинчи аср ўзбек адабиётининг энг буюк вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур шарқ шеърлятида Низомий, Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган санъаткор. Мураккаб ҳаёт йўли каби, унинг дунёқараши ҳам зиддиятли. Бой шеърй адабий-илмй мероси унинг кенг қомусй билимидан далолатдир.

Бобур ўзбек классик шеърлятидаги лирик жанрлярии катта маҳорат ва жасорат билан ривожлантйрган шоир. Ҳажман унча катта бўлмаган унинг лирик мероси мавзу доираси, шаклий тақомили, бадий муқаммаллиги билан ажралиб туради.

Шоир 47 йиллик умри мобайнида каттагина шеърй мажмуа тузди, «Мубаййан», «Рисолаи волидия» шеърй рисолаляри, жаҳонга шуҳрати кетган қомусй асари «Бобурнома»ни ёзди, «Хатти Бобурй» деб аталмиш янги алифбони тузди; аруз, қофия, мусяқа ва ҳарб ишига оид китоблар ёзди. Афсуски, улардан қофия, мусяқа ва ҳарб ишига оид қўлёзмаларини тақдири ҳозирги кунгача номаълум бўлиб келмоқда.

Бобурдан улкан маънавй мерос қолганлиги рост. Афғонистоиу Ҳиндистоида тартиб берилган шеърй девонлар (тўпламлар), «Бобурнома», «Рисолаи аруз», «Хатти Бобурй», «Волидия», «Мубаййин», илми мусяқа ва

харбга доир рисоалар ўттиз олти йилга яқин умрини давлат ва тахт ташвишлари билан ўтказган инсон мўъжизавий қаламиниинг тухфаларидир.

Бобур шунча ташвиш-тарадудлари билан бир қаторда меҳру шафқати баланд ота эди. Тақдир унга йигирма нафар фарзанл ато этди. Дарахт шохларидаги барча куртаклар мевага айланмаганидек, Бобур Мирзонинг ҳамма фарзандлари отанинг кўзи очиклигида балоғат ёшини кўрмадилар. Уларнинг ўн уч нафарини тунроққа топширишга тўғри келди. Бир қалбнинг шунча изтироб билан юзма-юз келиши ва айюбона сабру бардош билан унутишининг ўзи бир мактабдир, Бобур Мирзога. Муҳаммад Қумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Мирзо Аскарӣ, Мирзо Ҳиндол, Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим каби бир-биридан ширин фарзандларни вояга етказишгина насиб қилди.

Ўзбек адабиётшунослигида «Бобир» қўлланиб келинди. Бундай хилма-хилликнинг бош сабаби араб алифбосида сўз ўртасида келадиган унли товушларнинг ёзувда ўз аксини топмаслигидир. Мазкур қоида фақат Қуръони карим учун дахлсиз ҳисобланади, бу илоҳий китобда унлилар ўрнига зер, забар, пеш каби махсус белгилар қўлланилади.

Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейи фондида Бобур мажмуасининг XVII-XVIII асрларга мансуб икки янги қўлёзма нусхаси сақланаётганлиги маълум бўлди. Бу қўлёзма нусхалар бир томондан Бобур шеърӣ меросини бойитишга ёрдам берса, бошқа томондан маълум нусха ва нашрлардаги айрим текстологик фарқларга аниқлик киритишда қўл келади.

Ҳайдаробод девони 1188 ҳижрий (1774/75 милодӣ) йили Жанобали Котибий томонидан кўчирилган. Мазкур нусхадан ҳажман кичикроқ бўлган иккинчи қўлёзманинг котиби ва кўчирилган йили ҳақидаги маълумотлар келтирилмаган.

1960 йили Туркияда нашр этилган Ислом тадқиқотлари институти каталогидан Бобур асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва энг нодир нусхаси Эррида сақланаётганлиги ҳам маълум бўлди, шоир ижодини ўрганишда бу яна бир қувончли воқеа бўлган. Каталог муаллифининг сўзига кўра, бу қўлёзма 931 (1524-1525) ҳижрий йили кўчирилган. Қўлёзма таркибига «Бобурнома», «Аруз рисоласи» асарлари ҳамда шоирнинг ўзбек тилида яратган шеърлари киритилган. Ўз навбатида, қўлёзма ҳуснихат ва китобат санъатининг энг юксак намунаси эканлиги ҳам каталогда қайд этилган.

Ҳиндистонга уюштирилган экспедиция натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек классик шеърятининг Ҳиндистондаги анъаналарини, у ерда яшаган шоирлар ижодини ўрганиш алоҳида тадқиқот доирасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда тарихчилар ва ўзбек адабиётшунослари,

бошқа соҳалардаги каби, Ўрта Осиё ва Ҳинд халқлари муштаракликда яратган бой маданий меросни ўрганиш, нашр эттириш ишига катта эътибор бермоқдалар.

Айниқса, XV-XVI асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти таъсирида қалам тебратган шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидандир.

Бу шоирларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар ҳинд, форс-тожик ва ўзбек адабиёти анъаналарини ижодда мужассамлаштириш билан бир пайтда, ўзбек, ҳинд, урду, форс-тожик тилларида ҳам эркин ижод қилганлар.

Экспедиция давомида, Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо қўлёзма девони мавжудлиги аниқланди. 964 (1556) ҳижрий йили Маҳмуд бин Исҳоқ аш-Шаҳобий ал-Ҳиравий томонидан кўчирилган бу нусха Рампурдаги «Худобахш» кутубхонасининг энг мўътабар қўлёзмаларидан бири ҳисобланади. У Комрон Мирзонинг асосан, ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган шеърларидан тузилган. Бу нусханинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, қўлёзма бошида ва охирида йигирмадан ортиқ давлат арбоблари муҳрлари босилган. Улар орасида Жаҳонгир Мирзо ва Шохжаҳон дастхатлари ҳам учрайди.

Комрон Мирзо шеърлари бадиий маҳорати, тилининг равон ва соддалиги, ажойиб лирик образларни ҳассослик билан ифодалаши жиҳатидан Бобур лирикасини эслатади. Унинг бутун меросида отаси — Бобур лирикасининг руҳи балқиб туради. Ана шу маънода Комрон Мирзо Бобур лирикасидаги энг яхши анъаналарни давом эттирган, уни ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдаи бойитган санъаткор сифатида майдонга чиқади. Бобур ижодидан руҳланиб унинг шеърӣ анъаналарини давом эттирган шундай шоирлардан яна бири олим ва моҳир мутаржим Мирзо Али Бахт Афзариӣдир. Истеъдодли шоир Афзариӣ тарихшунос ва тилшунос олим сифатида ҳам бизга улкан мерос қолдирган.

Афзариӣ ўзбек адабиётининг Навоӣй каби улкан намояндалари ва уларнинг асарларидан руҳланиб китоблар яратган. У турли соҳаларга оид ўн бешдан ортиқ асарлар битган. Бу асарлар ўзбек адабиёти вакиллариини Ҳиндистонда тарғиб этиш ишида ҳам алоҳида ўрин тутган. Навоӣйнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Бобурнинг «Аруз рисоласи»ини форсчага ўгирган. Жумладан, Бобурнинг «Аруз рисоласи»ни у форс тилига ҳам назм, ҳам наср йўли билан ўгирган. «Аруззода» деб номланган бу таржималарнинг иккита нусхаси Ҳиндистон қўлёзма фондларида сақланади. Насрий нусхада Афзариӣ куйидагиларни хабар қилади:

«Бинобарин, унинг «Арузи туркий» китобидан мунтахаб этиб, форс тилига таржима қилдим, фарзанд ўз отасининг уйидан бирор нарса олиши мумкин, шунинг учун уни ўғри ҳисоблаб, айбга санамасинлар». Мадорас давлат Шарқ қўлёзмалари кутубхонасида сақланаётган шеърӣ таржима 1836 йили Маҳмудали Саид валади Ҳофиз Муҳнуддин Ҳусайн томонидан кўчирилган. Асар муқаддимасида «Аруззода»нинг яратилиш сабаби ва тарихи қуйидагича келтирилади:

«Энди меҳрибонлар ва дўстлар олдида (китоб — С. Ҳ) ёзишининг сабабини айтгин. Ҳазрат Бобур асарларидан сирли «Аруз»нинг ушбу нусхасини кўрдим. Уни бутун фикрим билан берилиб ўқидим. Унда яхши тартиб билан ёзилган шеър илми бор бўлиб, у китоб туркийда эди. Камина туркийдан баҳраманд эдим... форслар учун ҳам тушунарли бўлсин деб, уни қисқартириб форсчалаштиришни лозим топдим... Ундан ҳамма керагини танлаб олдим ва шу хилда мухтасар бўлишини маъқул кўрдим. Бу нусха номини камина мослаб «Аруззода» деб қўйдим».

Азфарӣ ўз таржимасини Бобур «Аруз» рисоласининг фарзанди, яъни «Аруззода» деб атади. Бу билан Бобур ва унинг асарига бўлган чуқур ҳурматини таъкидлайди.

Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейида деярли ҳар бетига гул ва қушларнинг расмлари солиниб, XVII асрда кўчирилган яна бир қўлёзма борки, у ҳам бизга ҳалигача номаълум шоир Фориғӣ қаламига тегишлидир. Қўлёзма Фориғӣнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган шеърларини қамрайди.

Фориғӣ Ҳиндистонда Акбар ва Жаҳонгир салтанати замонида, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва адибларнинг буюк ҳомийси забардаст шоир ва моҳир мутаржим Хони Хонон номи билан машҳур Абдурахим (Абдурахимхон ибн Байрамхон)нинг шогирди бўлганлиги бизга манбалардан маълум. Аммо ҳозирча унинг ҳаёти ва ижодига оид бошқа маълумотга эга эмасмиз.

Фориғӣ Ҳиндистонда Бобур, Ҳумоюн, Байрамхон, Абдурахим Хони Хонон анъаналарини давом эттириб, туркий тилдаги адабиёт ривожига улкан ҳисса қўшган бетакрор санъаткор шоир эканлиги унинг ижодидан яққол кўзга ташланиб туради.

Алқисса, ана шу серқирра ва бой адабий мерос ўзбек-ҳинд адабий алоқаларининг ҳам қадим-қадимлардан ривожланиб келаётганлигини далиллайди.

1.3. Манбалар тилга кирганда

Ўрта асрлар Шарқининг улуғ муаррихларидан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлот (1500-1551) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холасини ўғли, яъни бўласи бўлган. Унинг онаси Хуб Нигорхоним Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг туғишган синглиси бўлган. Ота-онадан ёш етим қолган Мирзо Ҳайдар бир неча йил Бобурнинг тарбиясида бўлади. Кейин тақдир тақозосига кўра ундан ажралиб, кўп йиллар Қошғарда яшади. Умрининг сўнгги ўн йилини Кашмирда ўтказди. У бутун умри давомида Бобурга нисбатан миннатдорлик ва муҳаббат туйғуларини ўз қалбида олиб ўтди. Унинг номи «Ҳайдар» сўзининг маъноси «шер» бўлиб, бу жиҳатдан Бобурнинг исмига ўхшаш эди. Уларнинг тақдирлари ва башарият тарихида қолдирган излари ҳам ҳайратомуздаражада ўхшашдир. Ҳар иккаласи Мовароуннаҳрда туғилган бўлсалар-да, воқеа-ҳодисаларга бой жўшқин умрлари олис Ҳиндистонда якун топди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўз она тили туркийда битган бир неча дostonларидан ташқари, «Бобурнома»дан илҳомланиб форс тилида «Тарихи Рашидий» номли ажойиб тарихий-бадий асар яратди. Тадқиқотчилар кўпгина фазилатларига кўра «Тарихи Рашидий» асарига ҳақли равишда Шарқ меъмуарчилиқ санъатида «Бобурнома»дан кейинги фахрли иккинчи ўринни беришга мойилдирлар. «Тарихи Рашидий» инглиз, рус, хитой, форс тилларида нашр этилган. Ўтмишда бир неча бор туркийга таржима қилинган. Қуйида Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг аجدодлари ҳақидаги айрим хотиралари келтириб ўтамиз. Мазкур лавҳалар асарнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган XVII асрда кўчирилган нодир қўлёзма нусхасидан таржима этилди.

БОБУР ПОДШОҲ «Тарихи Рашидий»дан

«...Шундай қилиб ражаб ойининг бошида (1509 йил) мен Қалъайи Зафардан Кобул сари жўнадим. Менга ўн олти киши ҳамроҳ бўлганди. Бизда икки отдан ташқари ҳеч нарса йўқ эди. Ҳатто кечалари тунамоққа ярарли ашёлардан маҳрум эдик. Бизга ота каби бўлиб қолган Мавлоно Муҳаммаднинг бисотида Бадахшоннинг энг камбағал одамлари ёпинадиган бир шолдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Қолган аҳволни шундан қиёс қилиб билса бўлади.

Кобулга етиб келганимизда бизни Бобур подшоҳга ва менга она томонимиздан бир хилда қариндош бўлган Ширим Тағой кутиб олди. У бизни юксак эҳтиром билан ўз уйига тушириб, беҳад иззат-ҳурмат ва инсонийлик зоҳир этди. Сўнгра подшоҳ одам юбориб, уч кундан сўнг саодатли соат бўлиши ва ўша пайтда мени ўз ҳузурига чақиртиришини маълум қилди...

Ниҳоят, мен шарафли даргоҳга мулозамат учун бордим. Подшоҳнинг саодатли назари менга тушгач, шафқат ва меҳрибонлиги зўридан гавҳар сочувчи муборак кўзларидан кўз ёшларини гўёки инга тизилган марварид доналаридек шашқатор қилди. У лутф изҳор этиб мен томон юзланди ва иноят билан қаришлаб марҳамат қўлини узатди. Камина таъзим қилиб борганимда, мени шафқат қучоғига олди ва оталарча меҳр билан кўксига босди. У бир қанча муддат мени шу ҳолда тутиб турди, яна таъзим қилмоғимга қўймади ва ўз ёнида ўтиргизди. Қалби бағоят ҳиссиётли бўлганидан яна бир қанча пайт айтиб ўтилган тарзда кўзларидан гавҳар сочди. Айни дамда деди: «Сен бек язнам, хон додам, биродарлар ва қариндошлар шаҳид бўлганларидан сўнг омон қолиб, Оллоҳга шукрлар бўлсинки, менинг олдимга етиб келдинг. Энди зинҳор улардан жудолик туфайли қайғурмагин. Уларнинг ўрнига энг яхши бадал менман. Мен сенга улар бериши мумкин бўлганидан ҳам зиёдароқ меҳр-шафқат кўрсатаман». Шу тариқа, у менга нисбатан бисёр навозишлар ва лутфлар қилдики, етимлик дардлари ва ғариблик кулфатлари бутунлай хотиримни тарк этди. Мен ташқари чиққанимда бир киши бениҳоя такаллуфлар билан менга пешвоз чиқди ва таъзим қилиб деди: «Подшоҳ сиз учун бир уйни тайин этганлар ва камина сизни у ерга бошлаб борурмен». У олдинга тушиб мени гоятда кўркам бир ҳовлига олиб борди. Хоналарга гиламлар тўшалган, дид билан анжом ва ёстиқлар қўйилганди. Фароғат учун зарур бўлган нарсалар – озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда ходимлар ва хизматкорлар бу ҳовлида ҳамма учун етарли тарзда муҳайё қилинган эди. Одамни бўғилишига мажбур этган ва руҳни тор қафасга солган ул уқубат ва фалокатлардан сўнг бундай турли-туман неъматлар, фароғат муҳайё қилинган кенг ва сафоли жойга тушсанг, бунинг шукрини қай тил билан баён этиш мумкин?! Оллоҳ унга яхшилик билан қайтарсин.

Шу тарзда мен кўп муддатларни Кобулда подшоҳ Бобурнинг мулозаматида фароғат ва осойишталикда ўтказдим. У доимо яхши муомала, очиқ кўнгил ҳамда қатъийлик ва талабчанлик билан мени илмлар касб этишига ундарди. Агар менинг андак илм эгаллаганимни пайқаса, менга нисбатан ўз илтифотини янада зиёдароқ этишига интилар ва бу ҳақда барчага гапириб, таҳсин айтишини талаб қиларди. Ўша муддат давомида у мен билан шу қадар меҳр-шафқат ила муносабатда бўлдики, фақат мушфиқ ва меҳрибон ота-оналаргина ўз фарзандларига нисбатан шундай қиладилар. Подшоҳнинг лутф-иноятлари туфайли қайғу ва кулфат кунларидан иборат қийинчиликлар даври унутилиб кетди.

Шу пайтдан то тўққиз юз ўн саккизинчи йилгача (1512-1513 йил) мен подшоҳнинг мулозаматида бўлдим. Агар у отда бирон тарафга чиқса, мени

ўзига ҳамроҳ бўлиш шарафига муяссар этарди. Сухбат пайтларида мени ҳамсухбатлик мартабаси билан сарафроз айларди. Алқисса, машгулотлар пайтидан ташқари барча ҳолларда мени ўзидан жудо қилмасди. Сабоқдан фориғ бўлганимда мени чақириш учун одам келар ва шу тарзда у ҳамииша менга оталарча гамхўрлик қилди.

... Мирзо Султон Абусаиднинг уч ўгли – Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо ва Умаршайх Мирзога Юнусхоннинг иззат ва шараф чўққисиди бўлган уч аслзода қизи – Меҳр Нигорхоним, Султон Нигорхоним ва Қутлуғ Нигорхоним никоҳлаб берилди.

Бобур подшоҳ саккиз юз саксон саккизинчи йили, муҳаррам ойининг олтинчи куниди (1483 йил, 14 феврал) тугилди. Улугбекнинг машхур уламоларидан бири Мавлоно Мунир Маргиноний унинг таваллуди таъриhini «шаши муҳаррам» (муҳаррамнинг олтиси) деб топди. Ҳазрати Эшон Хожя Убайдуллоҳ қуддиси сирраҳудан чақалоққа ном қўйиб беришни сўрашди. У гўдакни Заҳириддин Муҳаммад исми билан бахтиёр этди.

...У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас. Туркий тилда бениҳоя нафис девони бор. «Мубаййин» номли шеърый асар ёзган бўлиб, фикҳга оид бу бағоят фойдали рисола одамларга мақбулдир. Туркий арузга оид асар битган бўлиб, ҳеч ким унгача туркий аруз ҳақида бу қадар аниқ ёзолмаган. Ҳазрати Эшон Хожя Убайдуллоҳнинг «Рисолаи волидийя» асарини назмга солган.

Унинг туркий тилда «Вақоеъ» («Бобурнома») номли тарихий асари бўлиб, жуда жонли, равон, безубор ва тушунишга осон бир тарзда битилган. Мусиқий ва бошқа санъатларда ҳам Бобурга тенг келадиган одам унинг хонадониди ундан олдин юзага чиқмаган эди.

Унинг ҳаётида ажойиб воқеалар ва гаройиб кечмишлар содир бўлдики, унинг абнойи жинсидан ҳеч кимнинг чекига бунчалик кўп кечмиш тушмаганди. ” (Форс тилидан Ғулом Карим таржимаси)

"Бобурнома" жаҳон кезади.

Қадимий Мовароуннахр ва ундаги халқлар ҳаёти ҳақида жонли гувоҳлик берувчи асарлар орасида "Бобурнома" алоҳида ажралиб туради. Биз ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, Бобур қолдирган моддий ва маънавий мерос ичида энг қимматлиси “Бобурнома” дир.

Бобурдан қолган мерос ичида "Бобурнома" алоҳида аҳамиятга молик асардир. Бобур ўз ҳаёт йўлини 1494 йилдан бошлаб, 1529 йилгача бўлган даврни йилма - йил изчиллик билан ёритиб берган. Умр варағини йилма - йил баён этган

Бобур 16 йиллик воқеаларни ёзмаслиги мумкин эмас эди. Суронли йиллар Бобур асарини тўлиқ етиб келишига имкон бермагандир.

Бобур кундалик дафтар тутиб, энг муҳим воқеаларни қайд этиб борган, Ҳиндистонда уларни қайта ишлаб, "Бобурнома" шаклига солган. Асарнинг 10 дан ортиқ қўлёзмалари етиб келган. XVII-XVIII асрларда кўчирилган нусхалар Ленинград, Калкутта, Агра, Ҳайдаробод, Манчестр, Лондон, Эдинбург каби шаҳарларда сақланади.

Қўлёзмаларда асар номи "Бобурия", "Воқеаном", "Тузуки Бобурий", "Воқеоти Бобурий", "Бобурнома" каби номланган. Бобурнинг ўзи асарини "Воқеаном" деб атаган. "Бобурнома"да шундай рубоий бор:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдим.
Ҳар ким бу "Воқе"ни ўқир билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғам кўрдим.*

Иккинчидан эса, Гулбаданбегим "Хумоюннома" китобида отаси асарини "Воқеаном" деб атайди. 1857 йилда Н.Ильминский асарини Қозонда нашр эттирди. Уни "Бобурнома" деб атади. "Бобурнома" асарини номланиши ҳақида изланиш ишимизнинг кейинги бандларида тўхталамиз.

Бобур меросини ўрганар эканмиз, бу улуғ инсоннинг жавоҳир хазинаси биз ўзбекларнинг бошимизни сарбаланд, қаддимизни тик қилиб юришга ундайди. Халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Аммо аждодларимизнинг, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавият ва инсонийликни қайта тиклаш учун хизмат қиладиган моддий ва маънавий ёдгорликларини қидириб топиш, уларни халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида сафарбар қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбек адабиётшунослигида Бобур шеърият ва унинг бадиий нафосати, «Бобурнома» асари қатор тадқиқотларда ўрганилган.² Бу борада эндиги амалга оширилиши муҳим вазифалар ҳам талайгина. Негаки, Бобур шеъриятининг ҳамда «Бобурнома»нинг бугунги кун нуқтаи назаридан

² Қаранг: А.Абдугафуров. Навоий ва Бобур (Буюк бешлик сабоклари)-Тошкент, 1998; И.Хаққулов. Шеърият- рухий муносабат. Тошкент, 1986; И.Хаққулов. Абадиёт фарзандлари.Тошкент, 1987; Зоҳидов.В. Ўзбек адабиёти тарихидан – Т, 1961; Нуриддинов.М. Бобурийлар сулоласи – Т : «Фан», 1974; В.Раҳмонов. Шеърий санъатлар // «Ёзувчи»газетаси, 2003 йил, декабрь; Н.Жумахужа. Ўзбек адабиёти // 10-синф учун дарслик. Тошкент 2001; Р.Воҳидов . Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент, 2001; Т.Хужаев. Ўзбек адабиёти тарихи (Маърузалар манти)-Навоий -2005; Абдуллаева М. «Бобурнома»ва «Шажараи турк»нинг қиёсий поэтикаси. Тошкент, 2002; Қодиров П. Юлдузли тунлар.Тошкент, 1981.; Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»ва тарих.// Тафаккур 2001, 6-сон.

баҳолаш, ўқувчилар қалбига етказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Халқда улуғ бир нақл бор: “Қатрада қуёш акс этади”. Дарҳақиқат, шундай. Қатрада қуёшнинг, демакки, нурлар оламининг акси бор, жилваси бор. У бир қатра! Аммо бу муъжиза шундаки, унда оламнинг гузаллиги, нафосати, биллурлиги, шаффофлиги, шу билан бирга, маъсуллиги мужассамлашган. Бани башар қанчалик мадҳ этиб, қанчалик ва қандай талқин қилинмасин бод-бод оддий ҳақиқатга – қатрага қайтаверади. Унинг акли ва руҳи доимий равишда оддий ҳақиқатдан ҳайратлар оламига кучиб, ундан яна улуғ аслиятга – оддий ҳаёт ҳақиқатига келаверади. Бу мангуликка дахлдор ҳақиқат. Инсон ана шу ҳақиқат қаршисида – қатрадаги илоҳий мужда қошида лол ва ожиз қолаверади...

Улуғ бобоколонимиз, мислсиз сўз санъаткори ва салоҳият соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавиятимиз султони, сарваридир. Унинг ижодий меросини, хусусан, “Бобурнома” ва ҳатто кичик шеърӣ мисраларнинг гуё қатрага мисол келтиришимиз мумкин.

Ажойиб лирик шоир, ўзбек адиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан яратилган бу асар ижтимоӣ-иқтисодӣ, тарихӣ, сиёсий, маънавий-маърифӣ, илмӣ-табиӣ ва адабӣ-лингвистик, табиат, география, этнография, набабот ва ҳайвонат олами ҳақидаги маълумотлар хазинасидир.

Унда 1494 йилдан 1530 йилгача Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар баён этилган. Бобур тарихӣ фактларни шунчаки қайд этиш, жангу жадаллар, юришлар ҳақида хронологик ахборот бериш билангина қифояланмай, воқеаларни жонли тилда қизиқарли ҳикоя қилади, манзара чизади, табиатни, этнографик ҳолатларни тасвирлайди, даврни, унинг хусусиятларини гавдалантиради. Шу сабабдан асар фақат илмӣ-тарихӣ аҳамияти билан эмас, балки ўзбек бадиӣ насрининг ёрқин намуналаридан бири сифатида ҳам қимматлидир.

Шоир ўз хотираларини бадиӣ нақл услубида содда ва равон баён этади, ўнлаб тарихӣ шахсларнинг аниқ характерини яратади; табиат манзараларини суратини чизади; китобни ҳар хил сюжетлар, ишқӣ саргузаштлар, шеърӣ парчалар билан безайди. Тилга олинган шахсларнинг портрети кийинишини, ташқи кўриниши, феъл-атвори, одатлари, ўтмиши, авлод-аждоди бирма-бир таъриф этилади. Асардаги марказӣ образ — Бобурнинг ўзи, албатта. Унинг ҳис-туйғуларга бой қалби кўз олдимизда ёрқин жонланади. Инглиз тарихчиси Элфинистон "Бобурнома" ва унинг муаллифи ҳақида: *"Унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболагадан ёки пардалашдан холи, услуби оддий на мардона, шу билан бирга, жонли ва*

ифодали. Ўз замондошлари биографиясини, уларнинг қиёфалари, урф-одати, интилишлари, қизиқиш ва қилиқларини кўзгуда акс этгандек равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан "Бобурнома" Осиёда ягона чинакам тарихий тасвир намунасидир", деб ёзади.

Бобур Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон географияси, ҳайвонот ҳамда наботот олами тўғрисида бой маълумот берган. Хусусан, "Бобурнома"да ҳиндларнинг этнографияси, илму фани, санъат ва маданияти ҳақида қимматли фактлар бор. Таниқли ҳинд шоири Мулк Рож Ананд Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференциясида (1958 йил) сўзлаган нутқида: *"Бу китоб сиз билан бизнинг меросимиздир. Ўзбекистондаги сингари бизда ҳам "Бобурнома" гоёта қадрланади"*, дегани бежиз эмас эди.

Даврнинг жуда кўп хусусиятларини қамраб олиши, қомусий характери ва ўзбек адабий тилининг беқиёс бой имкониятларини намоёниш этиши билан "Бобурнома" Алишер Навоийнинг "Ҳамса"сига қиёс қилгудек маданий обида ҳисобланади. Асарнинг тез орада шухрат қозониб, XVI асрнинг ўзидаёқ бир неча марта форс тилига таржима этилиши ҳам фикримиз исботидир.

"Бобурнома" форс тилига биринчи марта 1589 йили шоирнинг невараси – шоҳ Акбар саройида хизматда бўлган Абдурахимхон ибн Байрамхон – Хони Хонон томонидан таржима қилинган. Таржима кўп нусхада кўчирилиб, "Воқеоти Бобурий", "Тарихи Бобуршоҳий" номлари остида Шарқ мамлакатларига кенг ёйилган. Абдурахимхон таржимада Бобурнинг ўзига хос баён тарзини бера олган, асар форс адабиёти ва тарихчилигида улкан янгилик сифатида қабул қилинган. Қамраб олинган тарихий воқеаларнинг рўй-рост кўрсатилиши, илмий фактларга бойлиги билангина эмас, балки равон услуби, содда ва жозибадорлиги билан ҳам Бобур асари ўзидан кейин яратилган тарихий мемуарларга кучли таъсир кўрсатади. Чунончи, Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" ва Низомиддин Ҳиравийнинг "Табақоти Акбаршоҳий" каби китобларида буни яққол ҳис этиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, XVI асрдан бошлаб ўзбек адабиётининг яна бошқа намуналари ҳам форс тилига таржима қилинди. Шарқнинг илғор зиёлилари туркийда (эски ўзбек тилида) яратилган адабиётнинг катта нуфузга эга эканлигини кўриб илм аҳлини бу тилни ўрганишга даъват эта бошлайдилар. Навоий ва Бобурнинг ажойиб асарларини таржима қилиб, форсийдонларни баҳраманд этишни муҳим вазифа деб биладилар. Чунончи, "Мажолис ун-нафойис"ни 1521 йилда форсчага ўгирган Султон Муҳаммад Фаҳрий Хиротий ёзади: "Баъзи эътиборли ва ҳурматли кишилар туркий ибораси (тили)дан беҳабар бўлганлари сабабли бу гўзал сўзларнинг мавжидан ва бу санъатлар денгизининг дуру гавҳарларидан бебаҳрадилар. Бу таассуфли аҳвол эди ва шунинг учун турк гўзали каби парда ичида қолган

бу дилафрўзнинг юзидан пардани кўтаришни ва мўъжизали хаёлот яратган бу зебо суратни фазилат ва камол аҳлига пардасиз кўрсатишни ният этдим".

"Бобурнома" қўлёзмаларининг чиройли расмлар билан безатилиши ҳам таржиманинг шуҳрат қозонишига сабаб бўлган. Гап шундаки, шоҳ Акбар тасвирий санъатнинг пешқадам ҳомийси эди. Унинг саройида 104 нафар рассом доимий иш олиб борган. Таржимон Абдурахимхоннинг ўзи ҳам расм чизиш билан шуғулланган. Акбар саройида ўнлаб китобларга расмлар чизилган. "Бобурнома"нинг форсий нусхаларига ишланган миниатюралар Шарқ рассомлик санъатининг ажойиб намуналари ҳисобланади.

Инглиз шарқшуноси Л.Кинг берган маълумотга қараганда, "Бобурнома" ўз асрида яна икки марта — Муҳаммадқули ва Зайниддин Хавофий томонидан форс тилига таржима қилинган. Бироқ бу таржима қўлёзмаларининг қаерда сақланишини олим айтмайди. Абдурахимхон таржимаси Британия музейида ва Москвадаги Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади. Фотонусхаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейимизда ҳам бор.

Фарб олимлари "Бобурнома" билан дастлаб ана шу форсий нусхалар орқали танишадилар. Европа шарқшунослари орасида Витсен биринчи марта "Бобурнома" билан қизиқиб, ундан айрим қисмларини голланд тилига таржима қилади (1705 йилда). XIX аср бошларига келиб, асар бутун Европа илм аҳлига маълум бўлган. Бобур меросининг жаҳоний шуҳратида, айниқса, инглиз шарқшуносларининг хизмати улкандир. Улар "Бобурнома"ни таржима қилиш ва нашр этишдангина эмас, балки тадқиқ ва тарғиб этиш борасида ҳам биринчилиқни эгаллайдилар.

1816 йилнинг 12 апрелида Уильям Эрскин Бомбейдан туриб, Лондондаги ноширларга ёзган хатида туганмас ганжни топиб олгандек хурсандлигини билдиради ва "Бобурнома"ни таржима қилаётганидан хабар беради. У.Эрскиннинг Ж.Лайден билан ҳамкорликдаги таржимаси 1826 йилда босилиб чикди. Таржимонлар асарнинг ўзбекча ва форсча нусхаларини асос қилиб олдилар. Эрскин китобга каттагина муқаддима ёзиб, Бобур ва унинг асарини инглиз китобхонларига таништиради: *"Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз. Ақлининг актив фаолияти, хушчақчақ ва совуққонлиги, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшолар орасида жуда кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги, фанга, санъатга муҳаббат ва улар билан фаол шуғулланиши жиҳатидан Осиё подшолари орасида Бобурга тенг келадигани йўқ"*.

Ж.Лайден ва У.Эрскин таржимаси 1921 йили Оксфорд университети нашриёти томонидан кўп жилдли қилиб, иккинчи марта чоп этилди. Бу

нашрга Дублин университетининг профессори Л.Кивт сўзбоши ёзиб, "Бобурнома" нашрлари, унинг жаҳон қўлёзма фондларидаги нусхалари, таржималари ҳақида маълумот беради, инглизча вариантни қайта таҳрирдан чиқаради. Биринчи жилднинг ярмини ташкил этадиган илмий очеркида у Мовароуннахр ва Хуросон тарихи, географияси, Бобур тилга олган Самарқанд, Андижон, Ўратепа, Қобул ва бошқа шаҳарларнинг ҳозирги аҳволини кенг ёритган. Мазкур нашрнинг яна бир фазилати шундаки, таржиманинг илмий аниқлигини таъминлаш учун ҳошияларда кўп миқдорда изоҳ ва шарҳлар берилган, китобдаги шеърларнинг кимга тааллуқли эканлиги ва қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилган.

Инглиз шарқшуносларидан А.Бевериж хоним 1902 йили "Бобурнома"нинг Ҳайдаробод нусхасини факсимилье ҳолида чоп эттиради. (У 1971 йили Лондонда қайта нашр этилди). Мазкур нашр асарнинг яна кенгроқ оммалашувига сабаб бўлди. Асарнинг М.Салъе бажарган русча таржимаси ҳамда 1960 йили П.Шамсиев ва С.Мирзаев тайёрлаган ўзбекча наشري ана шу А.Бевериж хоним нашрига асосланган. "Бобурнома" Р.М.Калдекот томонидан инглиз тилига қисқартириб таржима қилинди. XX аср охирида Ф.Ж.Талбот ҳам асарни таржима қилиб, суратлар билан нашр эттиради. Шунингдек, Бобур асарларининг Туркияда тарқалишига атоқли олим Рашот Раҳмон Оратнинг хизмати катта.

Бобур ижодининг бебаҳо маҳсули бўлган "Бобурнома" шўролар даврида икки марта рус, икки марта ўзбек тилида тўлиқ нашр этилди. Бу нашрларга ёзилган сўзбоши муаллифлари "Бобурнома"нинг тарих ва бошқа фанлар учун улкан аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, асарнинг ўзбек бадиий адабиётидаги ноёб ёдгорлик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтишган.

"Бобурнома"нинг мавжуд тўлиқматни 1857 йили турколог олим Н.И.Ильминский томонидан Қозондаги типографияда сўзбоши билан босилган.

Инглиз тилида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган талай махсус монографиялар яратилган. Лэн Поолнинг "Бобур" (Оксфорд, 1899) ва Харолд Лэмбнинг "Бобур — йўлбарс" (Нью-Йорк, 1961) номли китоблари шулар жумласидандир. Айниқса, кейинги китоб қизиқарли адабий-тарихий очерк услубида ёзилган. Бунини китобнинг ички бўлимларига қўйилган "Водийдаги воқеалар", "Самарқанддан қувилиш", "Қобилдаги салтанат", "Ҳиротда зиёфат", "Бобур ва унинг эли", "Ҳиндистон сари юриш", Панипат ва Канванд". "Буюк мўғуллар империяси" каби сарлавҳалардан ҳам билиш мумкин. Х. Лэмб Бобурнинг адабий меросидан илмий маълумот сифатида кенг фойдаланган, кўпроқ "Бобурнома"га мурожаат этиб, ундан талай парчалар таржимасини ҳам келтирган. Бундан ташқари, у Мирзо Бобур

юрған йўлларни от ва туяда кезиб чиққан. Шу тариқа, бу асар амалда Бобур ҳақидаги тарихий роман кўринишини олган эди.

Шарқ халқлари тарихи билан шуғулланган яна бошқа инглиз ва америкалик олимлар Бобурнинг шахсий қобилияти ва фаолиятига юқори баҳо бериб, уни қадимги Рим саркардаси Юлий Цезарь билан қиёслайдилар.

"Бобурнома" 1828 йили А.Кайзер томонидан немис тилига қисқартириб ва 1871 йили П.Де Куртейль томонидан француз тилига тўла ҳолда таржима қилинган. Замондошимиз атоқли шарқшунос олим Ж.Л.Боите Граммон "Бобурнома"нинг француз тилидаги янги таржимасини яратди. У бир неча бор юртимизга келиб, ўзбек халқининг турмуш тарзи, тарихи билан яқиндан танишди. Граммон, шунингдек, Гулбаданбегимнинг "Темур тузуклари" ва "Ҳумоюннома" асарларини ҳам француз тилига ўғирган. 1912 йилда Тоғаймурод Қорлуқ Хатлоний уни яна бир марта форс тилига ўгиради. Бу таржима кўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида сақланмоқда. 1944-1946-йилларда эса асар усмонли турк тилига табдил қилиниб, Анқарада икки жилдда босилди.

Россияда "Бобурнома" анча илгари пайдо бўлган эди. Шарқшунос Н.Ильминский 1857 йили асарни асл холида Қозон шаҳрида чоп эттирган. XIX аср охирларида "Бобурнома"дан айрим қисмлар И. Пантусов, С. Поляков, В. Вяткин таржимасида рус китобхонларига қисман тақдим этилган бўлса-да, яхлит русча таржимаси амалга оширилмаган эди. Бу шарафли ва хайрли иш моҳир таржимон ва олим М. Салье томонидан бажарилди ва асар 1958 йили Тошкентда босмадан чиқарилди. М.Салье таржима устида 10 йилдан ортиқроқ меҳнат қилди, асар тилини чуқур ўрганди, беҳад кўп сонли атамалар, ибора ва номлар транскрипциясини бериш, шунингдек, Бобур каламининг "мардона услубини" сақлашга муваффақ бўлди. Шунга қарамай, М.Салье таржимасида ҳамон талай ноаникликлар мавжуд. "Бобурнома"даги бир қанча номлар нотўғри берилган. Чунончи, Аҳмад Мирзо севгилиси Қутлуқбегим "Катак бегим" бўлиб кетган, "буқаламун", "муча" каби баъзи сўз ва иборалар таржимасиз ва изоҳсиз келтирилгани сабабли рус китобхонига тушунарсиз бўлиб қолган. Шеърини парчалар насрий таржимада берилиб, уларнинг қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилмаган.

(Бу ҳақда иккинчи бобнинг 3-фаслида ҳам тўхталиб ўтамиз)

Таржима ва нашрлардаги нуқсонларнинг аксарияти асарнинг илмий-танқидий матнига эҳтиёж борлигидан келиб чиққан. "Бобурнома"нинг мавжуд нашрлари, ҳатто ўзбекча нашри ҳам, асар ҳақида тўла тасаввур беролмайди. Негаки, русча нашрда ҳам, энг сўнгги ўзбекча нашрда ҳам 1509 йилдан 1518 йилгача ва 1524 йилгача бўлган воқеалар баёни йўқ. Шунга

ўхшаш талай ноаниқликларни бартараф этиш учун "Бобурнома"нинг энг эътиборли қўлёзма нусхаларини чоғиштириб, унинг илмий матнини тайёрлаш зарур эди. Ва ниҳоят, бу ишни япониялик бобуршунос олимлар амалга оширдилар: асарнинг танқидий матни яратилиб, нашр этилди. Кўриниб турибдики, Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди турли мамлакатларда ўрганилмоқда ва халқаро илмий ҳамкорлик воситасига айланиб бормоқда. Бу ҳам ўзбек халқининг улуғ истеъдоди, ифтихоридан нишонадир.

Асарнинг Керр ва Ҳайдарободдаги нусхаларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Керр нусхаси тил хусусиятлари ва ҳажми жиҳатидан Ҳайдаробод нусхасидан қолишмайди. Бу қўлёзманинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани номаълум. У ҳам тўлиқ матн бўлса-да, Қозон босмасига нисбатан баъзи бир тушиб қолган жойлари ва айрим нуқсонлари мавжуд. Умуман олганда, ҳар иккала қўлёзма ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас.

Лондон нусхасининг афзаллиги шундаки, бунда асар охирида киши исмлари, жой номлари, қабила ва уруғ номларининг мукаммал кўрсаткичлари берилгани ва инглиз тилидаги ўн бетлик сўз боши нашрнинг илмий қимматини оширган. Лекин кўрсаткичларнинг транслитерациясиз араб ёзувида берилиши номларни тўғри ўқиш масаласини бирмунча қийинлаштирган.

Бу нашр янги ўзбек алифбосида киши исмлари, жуғрофий номлар кўрсаткичи, луғат, қисқа изоҳ ва таржималар илова этилгани билан аҳамиятлидир.

Олиб борилган қиёсий-таҳлилий тадқиқотлар ушбу нашрда жуда кўплаб нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди. Нашрга тайёрловчилар ҳам бунинг асосий сабаби ҳар иккала нусхага бефарқ ёндашиш, танқидий текширишнинг ниҳоятда сузглигидан деб қараш лозимлигини уқтиришади.

Нашрнинг камчилиги ҳақида унинг масъул муҳаррирлари бундай деб ёзадилар: "... асарни катталаштирмаслик учун текстда англашиш оғир бўлган баъзи ифодаларни кенгроқ ифодалашдан тортинилди". Мазкур нашрнинг илмий эмаслигини, айтиб, улар фикрларини қуйидагича давом эттирадилар: "...шунчалик тузатиш ва тўлдиришлар билан ҳам бу асарнинг ҳали илмий текшириш ишлари учун кифоя қиларли бир ҳолда эмаслигини таъкидлаб ўтамиз" (7-8-б.).

Қиёсий текшириш натижасида аниқланишича, нашр жараёнида жуда кўплаб имло ва лексик хатоларга йўл қўйилган. Киши исмлари, жуғрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Қуръон оятлари билан боғлиқ барча матнлар, қўлёзмаларда мавжуд бўлишига қарамай, ташлаб кетилган, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган.

Хусусан, "Бобурнома"нинг ўзбек тилидаги мавжуд нашрларида Афғонистон ва Ҳиндистонга оид номларнинг жорий имлодаги матнида фарқлар кўп учрайдики, имкон доирасида уларнинг аниқроқ ифодасини беришга ҳаракат қилинган.

Масалан, киши номларида Бикрамжит-Бикромжит, Маллий Сўрдук-Малик Сўрук, Бихархон-Баҳорхон, Жалолхон Жағҳат-Жалолхон Жикаҳт; жой номларида Баҳира-Бехра, Кўйил-Кўл, Баксара-Бакасар, Авад-Уд, Итаъва-Атова шаклида ўқилган бўлса, ҳайвон номларида гилас (сув ҳайвони)-калс, чамгаддар (қуш)-чамагдор, матийла (қуш)-мато, гарийал (сув ҳайвони)-карёл, калаҳра (кийик)-галаҳра, гиний (қуш)-гина, гилаҳрий (сичқон)-килоҳрий деб ёзилган. Ўсимлик номларида налайар (дарахт)-нолир, баланг (мевали дарахт)-балинг, жаъмин (гул)-жоман; ой номларидан асаър-исор; вақт бирлигини англатувчи сўзлардан гарий-гири, паҳар-пахр; вазн ўлчови сўзларида раттий-рати, маъша-моша, таанк-тонг, манйаса-миноса, карўр-курур, санк-сонг шаклида табдил қилинган.

"Бобурнома"нинг янги нашрида аввалги нашрларда бўлмаган 400 дан ортиқ шахс номи кўрсаткичда қўшимча равишда келтирилган. Мазкур нашрда яна кўплаб янги, қимматли маълумотлар учрайди. Масалан, олдинги нашрда мавжуд бўлмаган қавм-қабила ва насл-насаб номлари кўрсаткичи, ҳайвон ва ўсимлик номлари кўрсаткичи, масал ва ҳикматли сўзлар, китоб ва рисоаларнинг номлари ва ҳоказолар.

Ноширлар "Бобурнома"даги узилишлар" қисмида жуда зарур бўлган асарнинг маълум ва номаълум сабабларга кўра муаллиф томонидан ёзилмай қолган саҳифаларини тўлдиришга ҳаракат қилганлар.

"Бобурнома" нашрига илк бор илова тарзида берилаётган "1528 йил воқеалари", "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг махфий васияти", "Комрон Мирзога хат", "Ҳазрати Бобуршоҳ Ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд мирзо фарзандига йўллаган хайрли ҳолномаси" каби тўлдиришлар Бобур ижодини янада пухтароқ ўрганишда алоҳида ўрин тутиши аниқ.

"Бобурнома" янги нашри мутасаддиларининг фикрича, бу шоҳ асарнинг илмий-танқидий матни тугал яратилди, деган хулоса чиқаришга ҳали эрта. Бу ноёб асар матнининг муаллиф матнига яқин ва энг ишончли бўлган нашри устидаги ишлар келажакда ҳам давом эттирилиши лозим. С.Ҳасановнинг холисона, ўз ишига танқидий ёндашишини келажакда "Бобурнома"нинг мукамал илмий-танқидий матнини яратишга чорловчи яхши ният сифатида қабул қилиш мумкин.

Эндиликда жаҳон миқёсида бобуршўнослик соҳаси шаклланди, бироқ Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди, адабий-илмий меросини тўла

камраб оладиган яхлит тадқиқотнинг ханузгача йўқлиги бу борадаги энг катта камчиликдир.

Ўзбек олимларининг саъй-ҳаракатлари ва ҳукуматимиз кўмагида Бобур Мирзо яратган барча адабий илмий-меросларни "Тўла асарлар тўплами" шаклида чоп этиш лозим.

Айрим адабиётларда, Бобур мўғуллар империясининг асосчиси дейилган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1993 йил 14 май сонида эълон қилинган мақолада бу фикр инкор қилинади.

Дарҳақиқат, Бобур Мирзони 1519-1526 йилларда олиб борган шиддатли жанглари туфайли Ҳиндистон қўлга киритилган эди. Улуғ саркардага Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдий ва Малва рожаси Рано Сонганинг мағлубияти Ҳиндистоннинг забт этилишини тайин этган ва бобурийлар ҳукмронлигини бошланган эди. Мазкур сулоланинг охириги авлодлари 1856 йилга қадар Ҳинд мулкида даврон сурадилар. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур Чингизхон авлодига мансуб Сарой Мулкхонимга (Бибихоним) уйланиб, мўғуллар ишончини қозонди ва «кўрагон» (хонингшнинг куёви) унвонига сазовор бўлади. Соҳибқирон Амир Темурдан кейин унинг барча эркак авлодлари бу анъанага риоя қилдилар ва уларнинг битта хотинларни чингизий хонимлардан эди. Мана шу ҳаётий ҳодиса темурийлар номига «кўрагонийлар» унвонининг қўшилишига сабаб бўлди. Ҳатто, Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мирзо ҳам ўзининг юлдузшунослик илмига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган машҳур асарини «Зижи жадиди Кўрагоний» тарзида атайди.

Мазкур удум Умаршайх Мирзони ҳам четлаб ўтмаган. Унинг ҳам биринчи хотини чингизий санамлардан эди ва шу никоҳдан Бобур Мирзо туғилган. «Бобурнома»да бу ҳақда аниқ қайдлар ёзиб қолдирилган. Жумладан, Умаршайх Мирзо авлоди тафсилотига аталган саҳифаларда шундай жумлалар кўзга ташланади: «Уч ўғул, беш қиз Мирзодин қолиб эди, Бори ўғлонларидин улўғ мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлуғ Нигорхоним эди... Бори қизларидин улуғ Хонзодабегим эди, менинг бирла бир туққон эрди, мендин беш ёш улуўғ эрди» (66-6.). Бобур Мирзо маълумотларини давом эттирар экан, отасининг барча хотинларини бир-бир тилга олади. Шу муносабат билан ўз онаси ва унинг аслу насаби хусусида кенг ва аниқ далилларни келтиради. Тан олмоқ керак, бу ҳам бобурога жасорат. Бошқа ижодкорларимизнинг таржиман ҳолларида шундай маълумотларни учратмаймиз. Ҳатто, Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз волидаи мухтарамалари ҳақида ёзиб қолдирмаганлар.

Бобур Мирзонинг ўша маълумотларидан парча кўчириш фойдадан холи эмас: «...Қутлуғ Нигорхоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон

Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди. Юнусхон ибн Шерали Уғлон ибн Муҳаммадхон ибнпбп Хизир Хожахол ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Бугахон ибн Дувахон ибн Бароқхон ибн Ёсўн Тува ибн Мутуғон ибн Чнғатойхон ибн Чингизхон» (67-б.).

Бобур Мирзонинг она томонидан шажара илдизи Чингизхонга бориб уланар экан. Аммо масаланинг бундай тус олиши уни мўғул фарзанди дейишга асос бермайди. Чунки унинг жисму жонини Соҳибқирон Амир Темур қони ҳаракатга келтиргап, ўша руҳ унга куч-қудрат бағишлаган, Бобур Мирзо ўзининг туркий халққа мансублиги, шу забонда асарлар яратиш неъматини ато этилганлиги билан дил-дилдан фахр этарди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, тарихшуносликда бу масалага бефарқ қаралган эмас.

Икки фикр ва улар ўртасидаги баҳс неча йиллар давомида амал қилиб келди. Шундай хулосани миллий тарихчи олимларимизнинг илмий изланишлари хусусида ҳам айтиш мумкин.

60-70-йиллардаёқ республикамизда вужудга келган илмий ишларда «бобурийлар сулоласи» тарзида ёзиш ҳукмронлик қилди. Бундан шунга амин бўлиш мумкинки, Бобур мўғуллар империясининг асосчиси эмас, бобурийлар сулоласининг асосчиси эканлигини далиллар исботлайди.

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ВА ҲАЁТИНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ

2.1. Мустақиллик йилларида Бобур ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор

Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юртида ҳақиқий кадр-қиммат топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Андижон шаҳрида Бобур номида театр, кутубхона, миллий боғ («Боғи Бобур») барпо этилди.

Бобур миллий боғи мажмуасида «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, шоирнинг рамзий қабр мақбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида (муаллифи Равшан Миртожиев) ва Бобур боғидаги ёдгорлик мажмуида (муаллифи Қодиржон Салоҳиддинов) шоирга ҳайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истироҳат боғига Бобур номи берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Шарқшунос олим Убайдулла Каримов бу медалнинг биринчи совриндори бўлди.

Андижонлик табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлик қиладиган Халқаро Бобур жамғармаси (1993.23.12) Бобур ижодини ўрганишда катта ишларни амалга оширди. Жамғарманинг илмий экспедицияси 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб автомобилда илмий сафарлар уюштириб, 200 минг км.дан ортиқ масофани босиб ўтди, Бобур ва бобурийлар қадамжолари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплаб, уларни илмий истеъмолга киритди. Мазкур маълумотлар асосида 10 дан зиёд илмий, ҳужжатли, бадиий асарлар (З. Машрабов, С. Шокаримов: «Асрларни бўйлаган Бобур»; С.Жалилов: «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Андижон»; Қамчибек Кенжа: «Ҳинд сориға»; Х.Султонов: «Бобурнинг тушлари», «Бобурийнома»; Р.Шамсуддинов: «Бобурийлар изидан», «Бобурийлар сулоласи»; Т. Низом: «Уч сўз»), 10 га яқин ҳужжатли, видеофилмлар (Ф. Расулов: «Бобур изидан», «Муқаддас қадамжолар»; Т.Рўзиев: «Бобур саломи», «Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция»; Т.Ҳамидов: «Ифтихор» ва ҳ.к.) яратилди. Жамғарманинг Лоҳур (Покистон), Ҳайдаробод (Ҳиндистон), Абу Даби (Бирлашган Араб Амирликлари), Москва (РФ), Ўш (Қирғизистон), Тошкент, Наманган (Ўзбекистон) шаҳарларида бўлимлари мавжуд.

1998 йил Жамғарманинг бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофотлари илк марта Пиримқул Қодиров, Сабоҳат Азимжонова, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматилла Отажонов, Хайриддин Султонов, Эйже Мано (Япония), Муҳаммадали Абдуқундузов, Мақсуд Юнусов, Шафиқа Ёрқин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиев, Мажид Турсунов, Раҳмонжон Азимов, Муҳаммаджон Мирзаевга берилди.

Бобур фондининг моддий ҳомийлигида йигирмадан ортиқ илмий тадқиқотлар ёзилди, бадий асарлар инглиз, форс, ҳинд тилларидан таржима қилинди, Бобур ва бобурийлар адабий-илмий мероси оммабоп ва илмий-танқидий матнлар тарзида нашрга тайёрланди, чоп этилди. Улар Ўзбекистондаги бобуршуносликка катта ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, фонд ҳомийлигида “Бобур энтсиклопедияси” устида олиб борилаётган жадал илмий ишлар Бобур халқаро фондининг бобуршуносликка, унинг кенг камровли ва теран тадқиқ йўналишга тушиб олишига имкон яратмоқда. Бу ишга чет эл ва Ўзбекистондаги таниқли олимлар жалб қилинган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган санъаткор, йирик давлат арбоби ва саркардадир.

Академик В.Бартольд дунёда тарқалган “Буюк мўғуллар” иборасининг хато эканлигини таъкидлар экан, “Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун “Буюк мўғуллар” деган ном тўқидилар”, деб ёзади. Бу ибора эса Европадан Ҳиндистонга “кўчиб”, ҳиндлар орасида инглизча китоблар орқали тарқалган.

Сўнгги йилларда “Буюк мўғуллар”деб аталган хато ибора ўрнига “Бобурийлар” ибораси қўлланила бошландики, бу тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.

Биз бу ҳақда юқоридаги бобда ҳам батафсилроқ тўзталиб ўтган эдик.

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилдилар. Бобурийларнинг вакиллари: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1526 — 1530), Ҳумоюн (1530 — 1540, 1555 — 1556), Акбаршоҳ (1556 — 1605), Жаҳонгир (1605-1627), Шоҳ Жаҳон (1628 — 1657), Аврангзеб Оламгир (1658 — 1707), Баҳодиршоҳ I (1707 — 1712), Жаҳондоршоҳ (1712 — 1713), Фаррух Сийар (1713 — 1719), Шамсуддин Рафиу-д-Даражот (1719), Рафиу-д-давла Шоҳ Жаҳон II (1719), Нигу Сийар (1719), Носируддин Муҳаммад (1719 — 1748), Аҳмадшоҳ Баҳодур (1748 — 1754), Оламгир II (1754 — 1760), Шоҳ Олам I (1760 — 1788), Бидар Бахт (1788), Шоҳ Олам II (1788 — 1806), Акбар II (1806 — 1837), Баҳодиршоҳ II (1837 — 1858).

У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламларию зафарларнинг улуғвор нашидаларини суришни кўп маротаба ўз бошидан кечирди. Отаси сингари улуғ ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилиб, Кобулга келди ва кейин Ҳиндистондек бепоён йирик мамлакат ҳукмдорига айланди.

Бобур ва Алишер Навоийнинг деярли бир даврда яшаб, лекин бир-бири билан учрашмаганликлари ҳам тадқиқотчиларни таажжубга. Аввало тарихий манзаранинг бундай тус олиши ажаблантирадиган ҳолат эмас. Икки таниқли инсон, шоир ёхуд адиб бир давлат, ҳатто, каттароқ бир шаҳарда яшаб, бир-биридан беҳабар қолиши мумкин. Бу гап, хусусан, XV—XVI асрларга кўпроқ тааллуқлидир. Даврий матбуот, оммавий ахборот воситалари бўлмаган бир шароитда айти ҳолат ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Алишер Навоий ва Бобур Мирзо эса батамом бошқа-бошқа давлатларда истиқомат қилишган, Алишер Навоий умрининг охириги йиллари Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот билан узвий боғлиқ эди. Бобур Мирзо эса Мовароуннахру Фарғонада фаолият кўрсатади. Анча кексайиб қолган буюк мутафаккир Алишер Навоий навқирон Бобур Мирзони илк бор саркарда ва подшо сифатида таниган.

Уларнинг дастлабки ғойибона учрашувлари 1560 йилда мактуб орқали содир бўлган эди. Бу ҳақда Бобур Мирзо «Бобурнома»нинг 1500-1501 йиллар воқеалари баёни берилган саҳифаларида қуйидагиларни ёзади; «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасила турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафиқз ва ғавғо бўлди» (142-6.).

Бобур Мирзога Самарқандни қамалдан ҳалос қилиш, Шайбонийхон зарбасини енгиш насиб этмади ва у иккинчи марта шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шу тариқа бу икки тарихий шахс ўртасида боғланиши мумкин бўлган инсоний ва ижодий муносабат ришталари мангуга узилди. Чунки кўн ўтмай, Алишер Навоий фоний дунё билан видолашди. Лекин Бобур Мирзо ўзининг бу катта замондоши тақдири билан қизиқишни давом эттирди.

«Бобурнома»да 1506-1507-йилларда кечган тарихий-сиёсий воқеалар тафсилотини ёзган асар муаллифи учун қулай бир вазият вужудга келди. Темурийларнинг Шайбонийхонга қарши ягона қўшинини тузиш ҳақидаги Бобур Мирзонинг неча йиллар олдин ўртага ташлаган таклифи Ҳусайн Бойқаро Мирзога маъқул келди. Аниқроғи, шу фикрга қайтишни тарихий-

сиёсий вазиятнинг ўзи тақозо қилиб қолди. Темурийларнинг ягона душмани хавфини тобора яқиндан ҳис қила бошлаган Ҳусайн Бойқаро Бобур Мирзони Ҳиротга таклиф қилди. Бироқ бу учрашув Султон Ҳусайн Бойқаро вафоти туфайли қутилган тарихий натижани бермади ва Шайбонийхон хавфи таҳликаси Хуросон давлатини ҳам қоплади. Масаланинг бундай фожеий тус олганлигидан қатъи назар, Бобур Мирзога Ҳиротда бўлиш, Алишер Навоий муборак қабрини тавоф қилиш, унинг салмоқдор ижодий мероси билан яқиндан танишиш насиб этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур илмий-адабий жамоатчиликка кўпроқ шоир, адиб, адабиётшунос, забардаст саркарда, журъатли давлат арбоби, нозиктаб жамоат, маданият ва руҳоният ҳомийси сифатида машҳурдир. Ҳаммаси бўлиб қирқ етти йилгина (1483-1530) яшаш насиб этган бу инсонга шунча фазилату салоҳият қирраларшш намоёиш қилиш муяссар бўлганлигининг ўзи ундаги юксак илоҳий марҳамат ва иноятдан сўзлайди. «Бобур» — Заҳириддин Муҳаммаднинг адабий таҳаллуси. Араб тилидан олинган бу сўзнинг ўзаги «бабр» бўлиб, «йўлбарс»ни англатади. Ҳайвонот оламида йўлбарс зоҳирӣ кўркамлиги, ботинӣ қудрати ва журъати билан ажралиб туради. Заҳириддин Муҳаммадга ундаги ана ўша фазилатлар хуш келади. Шундан бўлса керак, у бабр — Бобур сўзини ўз асарларида таҳаллус вазифасида қўллайди. Айни уририши билан у ўз табиатидаги яна бир ноёб жиҳатни ошкор қилишга эришади. Йўлбарс қувват ва ҳайвонот дунёсидаги мақоми жиҳатидан шердан кейинги ўринда туради. Бобур ана шу табиӣ ҳақиқатни кичик бир уриниш — таҳаллус танлаш билан бадиӣ ижод оламига кўчирди.

Ҳазрат Алишер Навоӣ шеърӣят мулкининг Шери бўлсалар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг Йўлбарси, десак муболаға бўлмайди. Дарвоқе, XV асрнинг феввали туркий халқлар адабий-маданий ҳаёти учун икки буюк истеъдод соҳибини тухфа этганлиги билан қимматлидир. Улардан бири 9 ва иккинчиси эса 14 февралда ёруғ дунёга кўз очган.

Бири назокату сеҳрли қалами билан «икки дарё ёқасидаги халқни якқалам» қилган бўлса, иккинчиси йўлбарсона қудрат, журъат ва қиличи, нафосатга тўла қалби билан мулки Афғону Ҳиндни ўз тасарруфига олди. Уч юзга яқин йигити билан Самарқанд шаҳри қалъасига ҳужум қилиб, уни илк бор қўлга киритиш билан ўзидаги жасорат қирраларини кўрсатган Бобур адабий ижод ва адабиётшуносликка доир нодир яратмалари билан қалбий назокат ва нафосатини ҳам намоёиш қила олди.

Бобур Мирзо шахси, унга муносабат зиддиятли бўлгани сингари бу ноёб истеъдод соҳибининг адабий таҳаллусп ҳам баҳс-мунозаралар

майдонига анланиб келди. Тожик ва рус шарқшунослари араб ёзувидаги бу сўзни «Бобур»³, «Бабир» шаклида кириллда ёздилар.

Таниқли адабиётшунос олим, ЎзР ФА мухбир аъзоси Б. Валихўжаев «Ўзбек адабиёти тарихи» 3-жилди учун Бобур ҳақида ёзган мақоласида биринчилардан бўлиб илмий-адабий жамоатчилик эътиборини мавжуд хилма-хилликка қаратди. Профессор А. Абдуғафуров 1983 йилда айна шу масалада махсус мақола билан чиқиш қилди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасида (18 март, 12-сон) босилган ушбу мақола кўпчилик назарига тушди ва ўшандан бошлаб ҳассос шоир таҳаллусини «Бобур» ҳамда «Бабир» шаклида ёзиш давом этиб келмоқда.

Адабий таҳаллуснинг икки хилда ёзилиши унинг мазмунига таъсир кўрсатмаса-да, мохият борица сақлангани ҳолда оҳанг озор топади. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

*Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши, тасаввур қилди,
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пурдур қилди.*

Ушбу рубоийда оҳангдошликни тайин этган «тасаввур», «пурдур» сўзлари «Бабир» эмас, «Бобур» деб ёзишни тақозо қилади. «У» ўрнида «и»нинг ёзилиши жарангдорликдаги соҳталиқни вужудга келтиради. Хуллас, бундай чалкашликларни бартараф этиш бугунги кун талабадир.

Тадқиқот ишни давом эттириш борасида бир неча саволларга жавоб топишни мақсад қилиб қўйдик. Масалан: Бобур нима учун вафотидан олдин ўзининг жасадини Қобулда дафн этишларини сўраган? Маълум бўлишича, бундай васиятлар тасодифий ҳолат эмас. Халқимизда шундай удум мавжуд. Ҳаётда бор бўлгани учун бадий адабиётга ҳам кўчган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида жаҳонгир шоҳ ўлиmidан олдин ўз жасадини Македонияга олиб бориб дафн этишларини васият қилади. Шунингдек, тирик одамнинг ўзига мақбара курдириб қўйиш, дафндан кейин ўтказиладиган маъракаларнинг олдиндан бегиланиши урфиятда учрайди; Албатта, бундай уринишлар ўз изох ва сабабларига эгалигп табиийдир. Дафн учун жойни олдиндан белгилаш замирида ҳам маълум мақсадлар ётади. Улардан энг асосийси Ватан, киндик қони томган муқаддас тупроққа садоқат туйғусидир. Яна ота-она, қавму қариндошлар хилхонасида улар билан ёнма-ён мангу оромда ётиш орзуси ҳам ўшандай васиятлар учун асос бўлади.

³ Қаранг: С. Ҳасанов. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари,— Т., Фан, 1981.

Захириддин Муҳаммад Бобур васиятиининг бир учи ҳам ўша анъанавий удумларимиз билан боғлиқ. Улуғ шоир ва саркарда Андижон ёхуд Самарқандда аجدодлар замини ва қаторида бўлишни жуда-жуда истарди. Юқорида келтирилган тарихий воқеликка асосан бунинг иложи йўқ эди.

Тарихимизнинг бетакрор сиймолардан бири бўлган бу улуғ инсоннинг ўлими ҳам ўзига хос тарихга эга. Бу ҳақда «Бобурнома»да ва Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарида қизиқарли лавҳалар ёзиб қолдирилган. «Вақоеъ» — «Бобурнома»нинг илова саҳифаларида қайд этилишича, 1530 йилда тахт вориси Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо Санбалда истиқомат қилаётганда у ерни об-ҳавоси ва суви ёқмагани сабабли хасталикка чалинади. Табибларнинг саъй-ҳаракатлари натижа бермагач, Бобур Мирзога хабар берадилар.

Шоҳнинг фармони билан шаҳзода сув йўли орқали Дехлига келтирилади. Бу ерда ҳам муолажанинг самараси кўринмайди. Мир Абулқосим бошлиқ бир гуруҳ мулозимлар энг қимматбаҳо садақа Ҳумоюн Мирзо жонига оро кириши мумкинлиги ва Иброҳим Лўдий билан бўлган жанглarda қўлга киритилган Кўҳи Нур олмоси тасаддуқ қилишга арзигулик тўхфа эканлигини айтдилар.

Ҳамиша шиддат ва курашчанлик руҳи билан яшаган, қатъият ва ростгўйликни турмуш тарзига айлантирган Бобур Мирзога мулозимлар маслаҳати хуш келмайди. Ўшандан кейинги тафсилотлар ҳақида «Бобурнома»да бундай ёзилади: «Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худоё қабул қилсин» (489-6.).

Бобур Мирзонинг бундай қатъий қарори суҳбатда ҳозир бўлган мулозимларни ҳайратга солади. Улар Бобурни бундай қароридан қайтаришга уриниб кўрадилар. Аммо ҳеч қачон адолатли аҳдидан чекинмаган Бобур Мирзо бу гал ҳам шундай қилади.

Гулбаданбегимнинг шаҳодатига кўра, Ҳумоюн Мирзо ҳолсиз ётган хонага кирган аламзада падари бузруквор унинг атрофидан уч қарра айланиб, Парвардигорга: «Эй Худо, жон керак бўлса, мен — Бобурдурман, менинг жонимни олгин, Ҳумоюнга сихат бергин», — деб муножот қилади. Айни манзара «Бобурнома»да қуйидагича акс эттирилган: «Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим» (489-6.). Дарҳақиқат, Худога илтижо қилаётган пайтдан баданида иситма сезган Бобур Мирзо ўз дуосининг ижобатга ўтганига қаттиқ ишонади. Бундай манзара унинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиб, жисмоний заифликни кучайтиради. Оёққа турган валиаҳд ўғли Ҳумоюн

Мирзога тахтни топширади ва васиятларини қилади. Ана ўша воқеалардан кўп ўтмай, Бобур Мирзо вафот этади ва Аграда ўзи барпо қилган боғда дафн қилинади.

XVI аср 30-йилларининг охирига келиб васият бажо келтирилади. Улуғ инсоннинг муборак хоки Кобулга, ўзи бунёд эттирган мухташам боққа кўчирилади. Биби Муборика бошчилигида, подшоҳ вафотидан тўққиз йил кейин эрнинг хокини Кобулга кўчиради.

Кейинчалик набираларидан Шоҳ Жаҳон қабр ёнида кичик бир масжид курдирган бўлса, Жаҳонгир Мирзо мармар сағана курдиради?

Кейинги саволимиз Бобур шоҳ бўлса, унинг хизматида қанчадан-қанча одамлар қўл қовуштириб бир имосига қараб турушса-да, у нега ўз Ватанини кўмсаб яшашга мажбур бўлди?

Ушбу мавзуни тадқиқи этиш борасида биз мазкур саволга ҳам қисман жавоб топгандек бўлдик. Бобур етти ёшидан бошлаб ҳаётининг сарсон-саргардонлик палласини бошидан кечира бошлагани бизларга тарихдан маълум. Ўша йиллар унинг юрагига дард бўлиб кирди ва армонли сатрларга кўчиб, авлодларнга мерос қолди.

Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,

Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо шеъриятида Ватан соғинчи ва хижрон изтироблари энг кўп назарга ташланадиган туйгулардир. Шундан бўлса керак, айрим тадқиқотчилар «Хажрий» Бобурнинг иккинчи таҳаллуси деган фикрга урғу бераётирлар.

Бобур Мирзо қалб нидолари мағзини теранроқ чакмоқ учун унинг Ватан, ва унинг соғинчи билан боғлиқ лирикасини ўқиш ва унинг маҳзини чақиш орқали тушуниш мумкин. Масалан;

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,

Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.

Кобулда иқомат этти Бобур, дерсиз,

Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Фикримизча, ушбу рубоий Бобур Мирзо ижодининг 1512 йилга қадар бўлган даврига тааллуқли.

Мовароуннаҳр юришнинг муваффақиятсизлиги унинг Самарқандни ишғол қилиш каби ниятларини кейинга сурди. Шундан кейин унинг юрагида ўз сарҳадларини Ҳиндистонга қараб кенгайтириш орзуси макон тутди.

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,

Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Сарриштайи айишдин кўнгулни зинҳор

Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Барча юршлари зое кетган шоир ўлим тўшагидан сўнги нафасида ҳам юртининг бир тилим қовунини қўмсаб, очик кўз билан фоний дунё билан видолашган.

Биз **Бобур шеърятини** ўқир эканмиз, унга адабий асар сифатида эмас, балки ўша даврнинг нафаси уриб турган, дастлабки манба сифатида қарашимиз лозим. Нима учун? Масалан Буюк мутафаккир тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асари бўлган “Тиб қонунлари”ни назмий усулда ёзгани ҳеч кимга сир эмас. Даврга баҳо бериш, воқеаларни изоҳлаш, уларга муносабат билдириш ҳам Бобур ижодида ҳам назмий ҳам насрий услубда амала оширилган.

Бобурнинг ижодини ўрганар эканмиз, унинг асосан туркий тилда ижод қилганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин, «Бобурнома»да ёзиб қолдирилган 1499-1500 йиллар воқеалари форсийда баён қилинганлиги фикримизни ўзига тортди. Масалан:

Ҳар кас чун ман харобу ошиқу расво мабод,

Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод (132-б.).

Таъкидлаш жоиз, бу байт шоир фаолиятида учун катта аҳамият касб этади. Чунки ўша йиллари Бобур Мирзо дастлабки ижодини бошлаган эди. Бундан хулоса шуки, Бобур Мирзо илк ижодий машқларини форсийда бошлаб, туркийда камолотга эриштирган.

Бобир Мирзо форс ва араб тилларни чуқур билган. Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» асарини форсийдан шеърӣ шаклда туркийга ўттирилганлиги, «Мубаййин» асарида қўлланган арабий сўзларнинг кўплиги унинг бу борадаги катта салоҳиятидан сўзлайди.

Ўтган асрнинг 80 йилларида республикамиз мафкураси бошида турган тарихшунос “олимлар”нинг ташаббуси билан авж олган хужумларнинг замирида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бошига маломат тошлари ёғдирлиди. Бобурни ўрганмасликка асосий сабаб унинг шоҳ ва «босқинчи» эканлигидир деб таъкидланди.

Бобур ижоди хорижий олимлар нигоҳида

Хорижда Фернанд Гренард (Гренард) "Бобур" (Париж, 1930), Флора Анна Стил "Бобурхон" (Париж, 1940), Ҳаролд Лемб "Бобур — йўлбарс" (Нью-Йорк, 1961) романларини, Вамбек Гаскони "Бобур ва унинг авлодлари" (Нью-Йорк, 1980) эссе-романларини, Фриц Вюртле "Андижон шахзодаси" қиссасини яратган бўлса, Ҳиндистонлик Муни Лаъл Бобурийлар ҳақида олти роман ёзган.

Ўзбек адабиётида Ойбек, П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султонов, Х.Даврон, М.Юсуф, С.Саййид, Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар Бобурга бағишлаб роман, қисса, ҳикоя, дoston ва шеърлар яратишган.

Малик Набиев, Абдурахмонов, Темур Саъдулла, Хуршид Назиров ва бошқаларнинг чизган асарлари Бобур сиймосининг тасвирий санъатдаги муносиб намуналаридир. Бобур ҳақида бир қатор бадиий ва видеофильмлар ҳам яратилган.

2.2. Манбаларда Бобур маҳоратли саркарда сифатида талқин қилинади

Мустақиллик даврида юртимизда кўплаб аждодларимиз қаторида Бобур Мирзога бўлган эътибор ҳам юксак поғонага кўтарилиб, унинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида шоирнинг назмий девонлари, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Волидия” сингари нодир асарлари қайта нашрдан чиқди. Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижда яратилган юзлаб бадиий, илмий, тарихий манбалар ўрганилди, кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шоир ва ёзувчиларимиз, тарихчи олимларимиз томонидан бу мавзуда кўплаб асарлар яратилди. Юртимизда илк бор «Бобур энциклопедияси» тайёрланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий-назарий асарлари қатори «Бобурнома»нинг ҳам ўрганилмаган тарафлари, қирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик руҳиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутади.

Бобурнинг муҳораба майдонидаги ғалабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг муҳими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш қобилиятидир. Айни шу маҳорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрашда, урушни ўз фойдасига ҳал қилишда, қолаверса, атрофидаги кишилар руҳияти, шахсиятини янада яхшироқ англашида, душман нияти – сир-асроридан аввалроқ воқиф бўлишда Бобурга қўл келган.

Таъкидлаш жоизки, разведка хизмати тарихи узоқ ўтмишларга бориб тақалади. Ундан оқилона, тактик жиҳатдан пишиқ фойдаланган шахсгина юксак натижаларга эришган.

Шоҳ ва саркарда Бобурнинг юксак мантиқий таҳлили, уруш шароитини яхши англаши, яшиндек тез хулосага келиши, разведка хизматига ўз фурсатида мурожаат этиши ва қарийб адашмаганлиги кишини ҳайратга солади. «Бобурнома»дан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1503-1504 йилги воқеалар. Бобур Мовароуннаҳрдан ноумид бўлиб, Кобулга юз тутган, Ҳисор вилоятининг Илоқ яйловларини кезиб, тақдир бундан кейин унга не кунларни раво кўришини ўй-хаёлларидан ўтказётган мураккаб давр, бор-йўғи «ушбу юртга йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара кўйдум» деб навқирон йигитлигига урғу берган пайти. Ёш Бобур бу юртларда ҳукмронлик қилаётган Ҳисор беги, кейинроқ ўзининг ашаддий душмани бўлган Хисравшоҳ ва унинг салтанати ҳақида маълумотга эга бўлиш учун Мулло Бобойи Пашоғарийни «елчиликка» юборади. Бобурнинг бундан мақсади элчи йўллашгина эмас, зарур маълумотга эга бўлиш эди. Лекин, Бобурнинг таъкидлашича, Пашоғарий «кўнгулга ёққудек сўз келтурмади». Аслида, Пашоғарий жудаям қуруқ қайтмаган. У одамлар орасида бўлиб, айрим зарур маълумотларни етказган: «вале эл ва улусдин сўзлар келтурди».

Ўша вақтда Бобур ўз лашкарларининг кўп қисмидан айрилган, 200-300 аскар ва беклари билан қолиб, ҳимояга ўта муҳтож эди. Бу пайтда темурий шаҳзодалар ва уларнинг беклари орасида лашкарларининг бир бек ёки султондан иккинчисига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтиши оддий ҳол бўлган. Бунда иқтисодий, маънавий, маиший жиҳатлар, албатта, омон қолиб лашкар сафида бўлиш масаласи асосий омиллардан бўлган. Шу боис Бобур учун Хисравшоҳ лашкарларининг кайфиятини билиш муҳим бўлган ва у бу вазифани разведка хизматига юклаган. Лекин натижадан унчалик кўнгли тўлмаган. Зарур маълумотга эга бўла олмаган Бобур ноилоҳ Коҳмард ва Бомиён томонга равона бўлади.

Яна бир мисол Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийнинг Бобурга етказган разведка хабари билан боғлиқ. Афғонистонда ўз ҳукмронлиги асосини солаётган Бобур бегона юртдаги шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, кўча ва пасткўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганади. Айниқса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдири билан боғлиқ бўлса, Бобурнинг синчковлик қобиляти янада ошган, эҳтиёт чораларини кўришга киришган. Ҳали Бобурнинг Кобул ҳокимияти мустаҳкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари ҳам душман рафторини қилганда уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бениҳоя муҳим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвқарашда бўлган Боқи Чағониёний «арзга еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин (яъни Кўракатутдан – қавс ичидаги баъзи изоҳлар муаллифники), кўнуб, Кўҳат отлук ерга борса бўлур эмиш...» Бироқ Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чағониёний Бобурни ишонтириш мақсадида бир неча айғоқчи кобулийларни олиб келади. Тундан кейин бир қадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган ҳужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмайди: «Боқи Чағониёний арзга еткургандек

нима черик элига тушмади. Боқибек бу саъйдин шармандароқ бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик ҳарбий амалиётлардан бирига хизмат қилган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

1528 йил воқеалари. Заҳириддин Бобур Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашкарини енгган. Бу узоқ ўлкаларда Амир Темур империясини тиклашдек орзуси амалга ошганлигидан шод бўлган даври. Бироқ бу пайтда унинг ҳукми Ҳиндистоннинг барча ўлкаларига тўлиқ ўтмас, қаршилик кўрсатаётган ҳинд рожалари, лашкар бошлиқлари ҳали анча ташвишлар орттирар эди. Бу вақтда Бобурнинг ҳарбий маҳорати етилган, у юрт олиш учун ҳар бир хабар, маълумотдан борган сари унумли фойдаланар, ҳинд ерида тезроқ мустаҳкам, ҳар қандай ихтилофлардан холи давлатни тузишга ошиқар эди. Ана шундай пайтда Бобур шерикларининг олдига, Кўх деган жойга кема билан етиб келади. Унинг кайфияти яхши, руҳи ғалабалар нашидасидан кўтаринки эди. Уруш оралиғида, исёнчи ҳиндулар, афғонларнинг тўсатдан қиладиган ҳужумлари вазиятида у курашчилар мусобақасини ўтказган, ҳатто бу спорт тадбири янада жонли ўтишини истаб, ўзи таъкидлаганидек, «хилофи қоида» «аввал зўрроқларни» майдонга чорлаган. Хуллас, бу пайт Бобур руҳиятида кам содир бўладиган хурсандлик дами бўлган.

Бироқ бу кайфиятни Султон Муҳаммад бахши келтирган разведка маълумоти ўзгартиради. Ҳаёт нашидасидан сармаст Бобур ўша заҳотиёқ шоҳ Бобурга айланади. Шу жараёнда «Султон Искандарнинг ўғли Маҳмудхоннингким, Султон Маҳмуд дерлар эди, БУЗУЛҒОНИНИНГ хабарини келтурур». Демак, Бобурнинг разведкаси олдин унинг томонига ўтган Султон Маҳмудхоннинг «бузулғонини» етказган, яъни у ўз ваъдасидан қайтиб, Бобурга нисбатан душманлик кайфиятини ихтиёр этган. Бу хабар «намози дигар»да — кун қорайгунча етиб келган. Келаси куни «намози пешин» (куннинг ярми)да Бобур бу маълумотга ишонқирамай разведкага бошқа кишини юборади ва у ҳам аини хабарни келтиради. Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам жосус хабариға мувофиқ келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад келиб арзға еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги муҳорабанинг айрим деталлари баён қилинади, Банорасга ўтган афғонларнинг шикаст топганлиги ҳақида сўз боради. Аслида, бу ҳол курашларнинг бир кунлик лаҳзаси, холос. Аммо, шунга қарамай, Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга катта эътибор билан қараган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий қарашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Кобулда ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаган

Бобур Ҳиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидулаввал ойи Кобулдин Ҳиндустон азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг иқрорича «не бормоққа ери муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юқори-қуйи яна бир ХАБАР ОЛГУНЧА юрт тоза қилиб кўчилур эди». Бунда Бобур аниқ қилиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошқа ерларни ўз тасарруфига киритишга шошилмаганлигини айтмоқда. Унинг бу тактикаси, ҳарбий истеъдоди кейинроқ Ҳиндистон муҳорабаларида жуда кўл келган.

1507-1509 йил воқеалари. Бобур Кобулдан ҳозирги Жалолобод вилояти — Нингнаҳордан Ҳиндистон томон борар экан, жуда кўп афғон тўдаларига дуч келади, улар билан муҳорабалар олиб боради. Бу жараёнда ҳам Бобур разведка хизматига мурожаат этади. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур учун энг муҳими, лашкарни эмин тутиш билан бирга уни озиқ-овқат, турар-жой, чорва, отларни емиш билан таъминлаш бўлган. Армиянинг, салтанатининг озиқ-овқати масаласи ҳамиша биринчи галдаги вазифаларидан саналган. Бобур Нингнаҳор туманидаги Одинапур қўрғонига яқинлашганида айнан егулик маҳсулот, айниқса, шоли танқислигига дуч келади. Кеч куз пайтида эса шоли деҳқонлар томонидан йиғиштириб олинган, далаларда айтарлик ҳосил қолмаган. Бобур ёзади: «Кеч куз эди. Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. Ер билур кишилар арзга еткурдиларким, Алишанг туманининг руди юқори мил канори шолини қалин экарлар. Черикка қишлоқ ошлиқ эҳтимоли борким, андин ҳосил бўлғай.» (Ҳақиқатда, Алишанг тоғлиқда жойлашган бўлиб, унинг тепароқ қисмида шоли экини кеч пишади. Ушбу сатрлар муаллифи Афғонистон Жалолободининг бу мавзеида бўлиб, у ерда жуда юқори навли шолилар етиштирилишига гувоҳ бўлган). Бу ҳолатда разведка хизмати кўзланган натижани берган: «Нингнаҳор жилғасидан отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтиб, Пуройин дарасигача борилди, қалин шоли черик эли олдилар.»

Мана бу мисол ҳам Бобурнинг ҳарбий-стратегик режалари билан боғлиқ. Воқеа Афғонистон ерларида, февраль ойининг ўрталарида содир бўлган. 1509-1510 йилнинг бу қиши анча кеч келиб, Бобурга черикнинг озиқ-овқати ташвиши ором бермаётган пайт. У ёзади: «Сешанба куни ойнаинг еттисида бекларни ва дилазак афғонлари улуғларини тилаб, кенгашиб, сўзни мунга қўюлдимким, йил охир бўлубтур, хутға бир-икки кун қолибтур, туздаги ошлиқни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатта Саводқа борсак, черик эли ошлиқ топмай танқислиқ бўлғусидур». Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаққатли довон, адирларни кезиб охири Панкялий деган жойга тушадилар. Маҳаллий шароитни билиш, кейингина бир қарорга келиш учун Бобур «Ўғонбердини бир неча киши била тил олғали илгаррак» юборади.

Бироқ, Ўғонберди ҳам бу гал «кўнгул тилагудек таҳқиқ хабар келтурмади». Албатта, бу ҳол Бобурни қаноатлантирмаган. У яна разведка хизматига мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чиққанда Рустам туркманником, қаравулликқа йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афғонлар хабардор бўлиб, кўзғолишибтурлар». Бобурнинг бу галги хабарчилари аниқ маълумот олиб келмаганларидан сўнг, у таваккал қилиб ҳужумга ўтади, ғанимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» қўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошқа разведка маълумотини олиши у билан кураш олиб бораётган афғон саркардаларининг умумий ҳолати ҳақида бўлиб, унинг энди, қайси йўлни танлаши учун муҳим эди. Аслини олганда, худди шу фурсатларда, афғон ерларини унча яхши тасаввур этмаган Бобур учун бундай хабарлар зарур ва разведка хизматининг асосий вазифаларидан бўлган. Бу маълумотлар юзаки қараганда жўнроқ кўринса-да, аслида Бобур ва унинг лашкарларини ўлимдан сақлаган, озик-овқатли мавзеларга етаклаган, кимга қарши курашишни олдиндан белгилаб берган. Бобур ўзи учун умр мазмунининг асоси бўлган қарор — Ҳиндистон юришига: айти шу маълумотларга эга бўлганидан кейингина азм қилган: «Бажаврдинким, ёнилди, Бҳира хаёли била ёнилиб эди, то Кобулға келиб эдук, ҳамиша Ҳиндустон юриши хаёлида эдук».

Мана бу мисол эса Бобурга бевосита уруш майдонида, унинг ҳал этувчи палласида разведка нечоғли қўл келганини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, Ҳиндистонни эгаллашдаги бу якуний уруш муваффақияти, имкон қадар Бобур лашкарлари учун кам талафот билан якунланганлиги ана шу разведка маълумотларининг натижаси билан ҳам боғлиқ. Чунки биз «Бобурнома»нинг бирон саҳифасида Бобурнинг бунчалик кўп, устма-уст хабарчиларини маълумот йиғиш учун юборганини, разведка маълумоти муҳораба ютуғининг бош омили эканлигига бу қадар аниқ баҳо берилганини кўрмадик.

Бобур ёзади: «Шанба куни жумодиул аввал ойининг ўн тўртида Агра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилғон юртқа келиб тушулди... Дарвеш Муҳаммад сорбон била Қисмтойким, Баянаға бориб келиб, ер-сувни билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра йиборилди. Келиб, юртта тушуб, Маҳдий Хожаға, Баянадағиларға киши чоптирулдиким, бетаваққуф келиб, қўшулғайлар».

Демак, Бобур бу муҳорабага киргунга қадар уч марта разведка хизматига мурожаат этган. Унинг хабарчилари бу ернинг рельефи, сув захираси, ҳолатини «кўруб-билиб» келишлари зарур эди. Бунда маълумот тўлақонлилигини таъминлаш, шубҳага ўрин қолдирмаслик топширилган. Бинобарин, хатоликка йўл қўйиш урушда енгилиш билан баробар бўлган. Бобур маълумотни олиб, қаноат ҳосил қилгандан сўнг тез хулосага келади: «

...бетавақуф келиб қўшилғайлар». Яъни захирадаги қўшинлар унга келиб қўшилишини амр қилган. Шундан кейин ҳам кўнгли тўлмаган Бобур яна разведкадан фойдаланади ва ана шу хабардин кейин ва бу ерда жанг олиб боришга оид тайёргарлик ишларини якунига етказди. Чунки хабарчиларнинг маълумотига биноан захира кучлари унга етиб келади, душманнинг қаерга, қайси масофада келиб тушганлигидан огоҳ бўлади ва шунга қараб керакли жойларда қоровулларни тайинлайди: «Хумоюннинг навкари Бек Мирак мўғулни бир неча йигит била кофирдин хабар олғали йиборилди. Кечасига бориб, хабар олиб, тонгласи хабар келтурдиларким, ғаним кишиси Бусовардин бир курух илгаррак келиб тушган эмиш. Ҳам ушбу кун Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Баянадаги илғор келиб қўшулдилар. Беклар навбат била қаравуликқа таъйин бўлдилар».

Захириддин Бобур муҳорабада ҳар қандай хатолик ёмон оқибатларга олиб келишини алоҳида таъкидлаган. Юқоридаги матндан кўринадик, Бобур разведка маълумотлари асосида ҳар бир бекни ўз лашкари билан маълум вақт ва манзилда қоровуликка тайин этган. Аммо, бу маълумотларга эътибор бермаган Абдулазиз бек жуда катта хатоликка йўл қўяди, ўзини ва лашкарини хавф остида қолдириб, уларнинг айримларидан айрилади, сафдошларини ҳам чалғитиб, уларнинг бошига турли кулфатлар ёғилишига сабаб бўлади. Ана шу мисолнинг ўзи ҳам Бобурнинг разведка маълумотларига нақадар эътибор бергани, унга ўзи амал қилгани, бу тартибни бузганларга мурасасиз бўлгани далилидир. Зеро, Абдулазизнинг шу хатоси жуда катта муҳорабага ҳозирлик кўраётган Бобурнинг режаларини бузади, Муҳаммад Али жанг-жанг каби лашкарбошисини бу жангга киритишга мажбур бўлади.

Мана бу мисол Бобурнинг Иброҳим Лўдий билан олиб борган курашининг дастлабки пайтига тааллуқли. У Иброҳим Лўдий аскарлари ҳолати, унга ким дўст, ким ғаним эканлигини билиш, «тахқиқ қилиб» келишни разведка хизматида буюради ва маълумот ишонарли бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Сиялкоттин Шоҳим Нурбекни ҳам Лахур бекларига чоптирулдим, ёғий не ерда эканин таҳқиқ қилиб, қайда қотилурларини соҳибвуқуф кишидин билиб, айтиб йиборсунлар».

Бобур ўз юрти ва бошқа ерли савдогарлар орқали ҳам разведка маълумотлари олишга интилан. Албатта, бу усул янгилик эмас. Савдогарлар ҳукмдорлар учун ҳамиша зарур маълумотлар етказиб туришган. Бироқ Бобурнинг бу галги мақсади аниқ нишонга теккан. У Иброҳим Лўдий ҳақида жуда муҳим маълумотга эга бўлади. Оламхоннинг Иброҳимга қарши туриши, Хуросонда эса кўчманчи ўзбеклар Балхни муҳосара қилганликлари ҳақида

маълумот олади ва зудлик билан қатъий қарорга келади: «Оламхонга Ҳиндустон сари рухсат бериб, ўзумуз Балх устига отландук».

Қуйидаги мисоллар юқоридагидек катта сиёсий аҳамиятга молик бўлмаса-да, муҳораба тақдирини белгилашда муҳим ўрин эгаллаган. 1525 йилги муҳорабалар Бобурни анчагина чарчатган бўлса ҳам, ёнида тўнғич ўғли Ҳумоюн мардонавор курашиб, қўпгина асирларни, қўлга киритилган филларни олиб келиб мулозамат қилганлиги унинг руҳиятини кўтарган эди. Лекин Бобур рақиби Иброҳим Лўдийнинг сир-асроридан, ҳарбий имкониятидан кенгроқ хабардор бўлишни мақсад қилар экан, қандай бўлмасин, душман орасидан «тил» олиб келишни буюради: «Ул юрттан кўчуб, Шоҳобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусига киши йибориб, неча кун бу юртта таваққуф бўлди».

Демак, Бобур ҳатто разведка хабарини кутиб, бу жойда бир неча кун қолиб кетган. Унинг бу сабри ўз натижасини берган. У лашкарлари ва сафдошлари билан хавфсиз йўлни танлаб ҳаракат қилган. Лекин бу жойга етиб келган заҳоти яна бир кишисини разведкага, яна «тил» тутиб келишга жўнатган: «Иброҳимнинг ўрдусидин ҳам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир куруҳ-икки куруҳ кўчуб ҳар юртта икки-уч кун мақом қила-қила келадур. Биз ҳам мутаважжих бўлуб, Шоҳободдин ора икки кўнуб, Жуун дарёсининг ёқосига Сарсава тўғриси келиб туштук. Хожа Калоннинг навқари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди».

Бобурнинг бу галги тиришқоқлиги, мақсад сари интилиши, юксак разведка қобилияти зарур натижани берган. Ҳайдарқули келтирган хабар Иброҳим Лўдий билан бўлган жанг муваффақиятини таъминлаган. Бу хабарда душманнинг ҳарбий имконияти, армия сафларининг жойланиши ва сони, лашкарлар орасидаги ўзаро муносабат, ҳатто уларнинг қайси ҳолатда ўтириб-туришларигача тафсилоти билан етказилган эди. Бобур ушбу маълумотни олар экан, ҳужумга ўтиб, ўзининг энг кўзга кўринган сарлашкарлари Чин Темур Султон, Муҳаммад Султон, Султоним Жунайд, Мир Ҳусайн ва бошқаларни бу муҳорабага сафарбар этади. Натижа унинг кўнглидагидан ҳам яхши бўлади. Бобур муҳорабаларда жуда катта ютуққа эришади, ўзи ташаббус кўрсатиб Уста Алиқули тўпчи билан яратган тўпларини ишга солиб, Иброҳим Лўдий устидан мутлақ ғалаба қозонади. Бу натижаларни қўлга киритишда, албатта, бевосита унинг разведкага оид қобилиятининг ҳам муҳим ҳиссаси бўлган.

Аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, миллатимизнинг ҳарбий тарихи деярли ўрганилган эмас. Биргина Бобур ҳарбий маҳорати кўплаб тадқиқотларга етарли материал бера олади.

Бу масалаларни Бобурнинг мохир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан ҳамоҳанг ўрганиш, айниқса, янада катта самара беради. (Ҳасан Қудратуллаев. Бобурнинг разведка маҳорати (2004)⁴

2.3. Бобур изларидан

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиёти ва маънавиятининг энг етук намоёндаси бўлиб, Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган бобурийлар сулоласининг асосчиси, буюк давлат арбоби, жасур саркарда, ҳақгўй муаррих, маҳоратли таржимон, гўзал ҳуснихат соҳиби, ҳассос шоир, серқирра истеъдод соҳибидир.

Бобур тўрт авлод орқали соҳибқирон Амир Темурга бориб тақалса-да, у буюк бобосининг вафотидан кейин пароканда бўлган салтанат тасарруфидаги юрт ва ерларни қайта тиклаш, ягона давлатчилик сиёсатини юритиш ва бу мақсадга эришиш учун темурийзодаларни бирлаштиришга уринган давлат арбобларидан эди.

Зокиржон Машрабов ташаббуси билан 1993 йил 23 декабрда “Халқаро Бобур жамғармаси” ташкил этилганлиги хусусида юқорида айтиб ўтган эдик. Андижон вилояти кенгаши 1992 йил 30 январда Зокиржон Машрабов тузган лойиҳа асосида “Бобур номли Халқаро илмий экспедиция ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

“Бобур изидан” илмий экспедициясининг Низомида асосий мақсад ва вазифалари кўрсатилиб, унда:

- мустақил Ўзбекистон давлатини бутун жаҳонга тарғиб қилиш;
- буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Ал-Форобий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Маҳмуд Қошғарий, Низомий Ганжавий, Бобораҳим Машраб, Фурқат ва бошқалар босиб ўтган йўللардан бориш фаолиятини ўрганиш;
- хорижда яшаётган Бобур авлодларини излаб топиш;
- Покистон ва Афғонистонда бўлган пайтда афғон урушида асир тушиб қолган ўзбекистонлик аскар йигитларнинг тақдири билан қизиқиш ва имкон доирасида уларнинг она юртига қайтишига кўмаклашиш каби масалалар кўйилган эди.

Илмий экспедиция 1992 йил 19 май куни биринчи сафарга отланади. 14 кишилиқ гуруҳ Эрон-Машҳад-Нишопур, Сабзавор, Техрон-Ҳамадон-Табриз

⁴ Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 44-сонидан олинди.

орқали Туркияга ўтиб, Жалолиддин Румий мақбарасини зиёрат қилдилар. Сурия, Иордания орқали Саудия Арабистонига ўтиб, ҳаж зиёратини амалга оширдилар.

Экспедиция аъзолари ўқлар ёғилаётган Афғонистон сари катта қийинчиликлар билан Қобулга етиб бориб, Бобур қабрини зиёрат қилиш ва унинг тупроғидан олишга муяссар бўлди.

Мозори Шариф орқали ўтаётганда генерал Абдурашид Дўстим билан учрашиб, афғон урушида асир тушган 44 нафар ўзбекистонлик йигитнинг рўйхатини топширдилар. Генерал бу илтимосни мумкин қадар бажаришга сўз берди.

1992 йилнинг 14 июлида илк экспедиция Андижон шаҳрига 55 кундан сўнг Бобур қабридан олинган табаррук тупроқ билан кириб келади.

1993 йил 22 июлда Бобур боғидаги Андижон заминидан 8 кишилик гуруҳ билан йўлга чиққан экспедиция Туркменистон орқали Ҳиротга етиб келиб, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод яшаган юртнинг вайронага айланганини кўриб хайратга тушадилар. Экспедиция раҳбари З. Машрабов “Агар Афғон ҳукумати рози бўлганида Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро қабрларини Ўзбекистонга кўчириб кетардим”, дея изтироб билан йиғлаб юборади.

Энг қизиғи, экспедиция Ҳиндистон сафарида бобурийлар сулоласининг давомчиси Баҳодиршоҳ II нинг кичик ўғли Мирзо Қуёшнинг эваралари бўлган – Зиёвуддин ва Масихуддин Тусий ва уларнинг онаси Лайло Уммахоним билан учрашиб, хонадонида меҳмон бўлади. Экспедиция раҳбари 1995 йилда Деҳлида “Марказий Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари” мавзуга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этар экан, бир гуруҳ Бобур авлодларини топишга муяссар бўлди. Булар Деҳлида яшаётган Покиза Султонбегим, унинг турмуш ўртоғи Дониёл Латифий, ўғли Суюм Афтанний эдилар. Зокиржон Машрабов ва Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Суръат Мирқосимовлар манбалардан аниқлашича, Бобурнинг бу авлодлари билан Англия қироличаси Елизавета, Ҳиндистон раҳбарлари Жавахарлаъл Неру ва Индра Ганди учрашган экан. Бу суҳбат тафсилотлари “Халқ сўзи” газетасининг 1996 йил 7 февраль сонидида ёритилган эди.

Экспедиция икки ойлик сафардан Эрон орқали қайтар экан, Машҳад шаҳрига кириб, китоб дўконларидан “Бобурнома”нинг таржимони Вильям Эрскиннинг “Эрон ва Бобур” асарини сотиб олар эканлар, Зокиржон Машрабов “Мана бу китобнинг гўзаллигини, ҳажмини кўринглар – қирк босма табоқ! Еттинчи марта нашр қилиниши экан. Китоб эмас, дурдона бу! Бобур Эронда бор-йўғи бир неча ой турган бўлса керак. Андижонда,

Мовароуннаҳрда 20 йилдан ортиқ яшаган, сарсону саргардон кезган. Қани ўша давр ҳақида китоб? Уни ҳам бизга инглиз ёки французлар ёзиб беришлари керакмидан”, дея таассуф билан сўзлаган эди. Бобур Мирзо бугунги Навоий вилоятининг Малик чўлида ҳам 1512 йил 28 апрелда Убайдулло Султон бошлиқ шайбонийлар билан жанг қилганлиги ҳақида тарихий манбаларда келтириб ўтилади. Тарихчи олим ва филологлар бу жанг тафсилотини ҳозиргача чуқур ўрганмаганлар.

Қизиғи шундаки, “Бобур Халқаро экспедицияси” аъзолари ҳар сафар Бобур изларини излаб йўлга чиққанларида Самарқанду Бухоро ўртасида жойлашган Довбус ва Карманани қайта-қайта зиёрат қилиб, Бобур Мирзо бир неча кун тўхтаган Чўли Маликни тавоф айлаб, сафарга жўнаганлар. Чиндан ҳам Мирзо Бобур икки марта Карманада ва унинг қўрғони Работи Маликда тўхтаб ўтган, шунинг учун ҳам у ўзининг “Бобурнома” асарида Кармана ва Зарафшон дарёси тўғрисида қуйидаги маълумотларни беради: “...Самарқанд орасида бир пушти тушуптур, Кухак дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айириб турлар, балки дарёчадур, Дарғом суйи дерлар...Бухоро ва Қорақўлгача ким, ўттиз-қирқ йиғоч йўлига ёвиқлашур, Кухак суйи била маъмур ва маъзрурдир. Мундоқ улуғ дарё асло зироатгин ва иморатгин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас...яна хушманзара Кармана вилоятидур, Самарқанд ила Бухоро орасидадур...” Халқаро Бобур жамғармаси ва Илмий экспедиция йигирма йилдан бери фаолият кўрсатиб, йигирмадан ортиқ мамлакатларда бўлди. Бобур ва бобурийларга доир 400 дан ортиқ осори-атикалар, қўлёзма ва тошбосма асарлар, турли ҳужжатларни излаб топиб, уларни юртимизга олиб келиб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига топширишди ҳамда уларнинг маълум қисмини илмий муомалага киритиш имкониятини яратишди. Жумладан, Эроннинг Салтанат кутубхонасида сақланаётган Бобур куллиёти, Машҳаддан келтирилган Бобур ихтиро қилган ёзув “Хатти Бобурий”да кўчирилган Қуръони Каримнинг нусхасини олиб келдилар. Сафарлар давомида Бобур ва бобурийлар ҳақида 20 дан ортиқ ҳужжатли ва видеофильмлар яратилди.

Илмий экспедиция аъзолари ўзларининг таассуротларини қатор китобларда акс эттирдилар. Булар Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Буюклар изидан”, “Андижондан - Даккагача”, Рустамбек Шамсиддиновнинг “Бобурийлар изидан”, Сайфиддин Жалиловнинг “Бобур ҳақида ўйлар” ва ҳоказо. Биргина 2007-2013 йиллар орасида Бобур жамғармаси ўттизга яқин китобни нашр этди. Ҳозирда “Бобур энциклопедияси”ни яратиш устида иш олиб борилмоқда.

“Бобур изидан” илмий экспедициясининг ёши истиқлолимиз ёши билан баробар бўлиб, шу давр мобайнида у миллий қадриятларимизни тиклашда,

тарихнинг очилмаган саҳифаларини очишда, Бобур юрган йўлларни қайта тиклашда, бу сулола ҳақида янги маълумотлар тўплашда жаҳоншумул хайрли ишларни бажарди ва ҳали ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Бобур каби шахслар ҳар биримизни Ватанни, тарихимизни, қадриятларимизни севишга чорлайди. Уларнинг ғоялари, ўлмас асарлари бизларга маънавий озуқа беради.

Бобур номли жамоат фонди асосан Бобур ва бобурийлар қолдирган бой илмий-маданий меросни ўрганиш, Туркистон заминидан етишиб чиққан буюк сиймолар – Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мавлоно Лутфий, Мирзо Хайдар, Бобораҳим Машраб, Камолиддин Бегзод ва бошқа буюк аجدодларимизнинг абадий оромгоҳларини ободонлаштириш, тиклаш-таъмирлаш, халқаро илмий экспедициялар ташкил қилиш, кўҳна тарихимизни ўрганиш ва маънавиятимизни янада юксалтиришда фаол иштирок этишни асосий мақсад қилиб олган.

Фонд ташкил этилганидан буён З.М.Бобур таваллудининг шу бугунга қадар 510, 515, 520 ва 525, 530 йиллик санасига бағишлаб халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Анжуманларда мамлакатимиз бобуршунослари билан биргаликда жаҳоннинг етук бобуршунослари ҳам иштирок этишди.

Ҳар йили 14 февраль куни анъанавий равишда мумтоз шоир таваллудига бағишлаб мамлакатимиз бобуршунослари, олийгоҳ, коллеж ва лицейлар талабалари ҳамда Бобур ихлосмандлари иштирокида у таваллуд топган Андижон шаҳрида илмий-бадиий анжуман ўтказилади.

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси, шеърляти, ўлмас “Бобурнома”си юртимизда ўтган асрнинг 40-йилларидан кенг танила бошлади, асарларини нашр этишга киришилди, тадқиқотлар яратилди. Лекин, шубҳасизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борада катта имконият эшиклари очилди. Хусусан, истиқлолга деярли тенгдош – 1992 йили феврал ойида ташкил топган Халқаро Бобур фонди жамоаси Ўзбекистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур абадиятини яратишда таҳсинга лойиқ ишлар қилди.

Бобур халқаро фондининг “Бобур изидан” илмий-амалий экспедицияси ўзининг ўн икки сафарида жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатада бўлиб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига уч юздан ортиқ Бобур ва бобурийларга оид ноёб китоблар, қўлёзмалар, расм ва бошқа маданий ашё келтирдилар.

Экспедиция сафарлари йигирма иккита видео ва бадиий фильмда, Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд

сориға”, “Буюклар изидан”, “Бобурийлардан бири”, “Андижондан Даккагача”, “Андижондан Боғдодгача” сафарнома романларида акс этди.

Фонд қошида ташкил этилган халқаро илмий экспедиция 1992 йил май ойида ўзининг биринчи сафарига чиққан эди. Шу кунгача экспедиция 15 маротаба 30 дан ортиқ хорижий давлатларга халқаро сафарлар уюштириб, Африка қитъасидан Ҳинд-Хитой ярим ороли, Европа-Америка давлатларигача 400 минг км.дан ортиқ масофа автомашина ва қисман самолётда босиб ўтиб, ватанимиздан етишиб чиққан буюк аجدодларимиз қолдираган бой илмий-маданий меросларни ўрганиб илмий истемолга киритиб, қабр-мақбараларини аниқлаш ва уларнинг бугунги кундаги ҳолати ҳақида маълумотларни тўплаб келмоқда.

Буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абу Наср Форобий, Мавлоно Лутфий, Камолиддин Бехзод, Муҳаммад Хайдар мирзо, Бобораҳим Машраб, Али Қушчи ва бошқа хорижда яшаб ўтган улуғ боболаримиз мазорларининг аянчли ҳолатга тушиб, йўқ бўлиб кетиш даражасига бориб қолганлигини эътиборга олиб, уларнинг қабрлари узра ўрнатиладиган мақбаралар шарқона лойиҳалар асосида тайёрланмоқда.

Ўзбек мумтоз шоири Мавлоно Лутфийнинг мақбараси юртимизда тайёрланиб, Ҳирот ёқинидаги Деҳи Қанор қабристонида ўрнатилди ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, Афғонистон давлатининг Ўзбекистон ҳукуматига бўлган миннатдорчилик номаси олиб келинди. Бундай хайрли ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Шунингдек, илмий экспедициялар сафарлари давомида кўҳна тарихимизга оид ва буюк аждодларимиз қолдирган ноёб асарларнинг асл ва фотонусхалари мамлакатимизга олиб келинди улар асосида 30 дан ортиқ китоблар чоп этилди, 27 та хужжатли видеофильмлар яратилди, 300 дан ортиқ Бобур ва бобурийлар тарихига оид ноёб китоб ва қўлёзма асарлар илмий истеъмолга киритилди.

2002 йили З.М.Бобур таваллудининг 520 йиллиги олдида “Бобурнома” асарининг янги мукамал наشري фонд ҳомийлигида яратилди.

Ўтган давр ичида фонд ҳомийлигида бошқа тиллардан таржима қилинган ва бевосита ҳомийлигида нашр этилган китоблар сони 25 дан ошди. “Бобур девони” Кобул нашрига такмила, Румер Годеннинг “Тулбадан”, “Бобурнома учун қисқача изоҳли луғат”, “Бобурнома” (табдил), “Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври”, “Акбар – бобурийларнинг энг буюғи”, “Таворихи Муסיқиюн”, “Тарихи Рашидий” китоблари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг 22.01.2008 ва 22.04.2008 йилдаги 07-4-8-сонли мажлис

баёнлари, Андижон вилоят ҳокимлигининг 02.05.2008 йилдаги йиғилиш баённомаси ҳамда Бобур халқаро фонди раёсатининг қарори ва 30.07.2008 йилдаги 56-сонли буйруғига асосан ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намояндаси, давлат арбоби ва машҳур олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзuidaги илмий-амалий анжуман 15-16 август кунлари халқаро ва ўзбекистонлик бобуршунос олимлар, Фарғона водийсининг кўзга кўринган ёзувчи, шоирлари, университет, институтлар ректорлари ва ўқитувчи-профессорлари, коллеж, мактаблар ўқитувчилари ва Бобур ихлосмандлари иштирокида бўлиб ўтди.

Анжуманга АҚШ, Англия, Япония, Миср, Туркия, Германия, Хитой, Бангладеш, Покистон, Афғонистон каби хорижий давлатлардан 20 дан ортиқ бобуршунос олимлар ташриф буюрдилар. Инглиз, ўзбек, турк ва рус тилларида ўқилган маърузаларнинг барчаси бугунги бобуршуносликнинг долзарб масалаларига қаратилди. Шунингдек, Бобур халқаро фонди анъанасига мувофиқ бобуршуносликка салмоқли ҳисса қўшган жаҳон олимлари, санъаткорлари, адибларини Бобур халқаро мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадқиқот давомида бобуршуносликдаги айрим муаммоларни ўртага ташлаб, олимлар диққат-эътиборини келгуси фаолиятларида қуйидаги масалаларга ҳам жалб этмоқчимиз.

Бу муаммолар таснифи қуйидагича:

Биринчидан, Бобур асарларининг номлари муаммоси:

А) Бобур арузга доир фундаментал тадқиқот яратган. Аруз рисоласининг номланиши хусусида “Бобурнома”дан ўқиймиз, “ва ул подшоҳ (Бобур — Р.В.) аруз ва қофияга ҳам рисоалари бор ва ул жумладин “Муфассал” деганким, ушбу фан шарҳи бўлғай, кўпдин-кўп яхши тасниф қилибтурлар”. (“Бобурнома”. “Шарқ” 2002 йил, 267-бет).

Олимларга сир эмаски, бу “Муфассал” (тўла, мукамал) номли аруз рисоласи 1971 йили “Мухтасар” (қисқа, ихчам) номида “Фан” нашриётида фото-факсимил нусха ва кириллда нашрга тайёрланиб, чоп этилган.

Шунинг учун мактаб адабиёт дарсликларида ҳам, жумладан, профессорлар Бегали Қосимов ва Нусратулло Жумахўжа муаллифлигидаги “Ўзбек адабиёти” (10-синф дарслиги, ҳозирги кунда амалиётда фодаланилмайди. Шундай бўлса-да, китобида ёзилганки: “1523-1525 йилларда аруз вазни ҳақида рисола тузди. “Мухтасар” (Қисқа қўлланма) номи билан шуҳрат топган бу асар Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”идан кейин аруз илмига бағишланган иккинчи асар эди” (Бегали

Қосимов, Нусратулло Жумахўжа. “Ўзбек адабиёти” учинчи нашр, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-2001, 169-бет).

Илмдаги нуқсон дарсликка ўтди ва яна бир нуқсон билан бойиди: дарслик муаллифлари илмда маълум бўлган Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунун ал-балоға” асаридан хабарсизликларини билдириб қўйганлар ва Бобур арузини туркий тилдаги иккинчи асар деб талқин қилганлар.

Бобур асари бежиз “Муфассал” деб номланмаган. Чунки “Фунун ал-балоға” (адабиётшунослик фанлари) китобидаги тўрт фандан бири — аруз ҳақидаги биринчи туркий рисола бўлиб, унда аруз вазнларидан юзга яқин хили тадқиқ этилган. Алишер Навоий Самарқандда тўрт йил яшаган бўлса-да, Улуғбекка бағишлаб ёзилган ва 1438 йили унга тортиқ қилинган “Фунун ал-балоға”дан хабардор бўлмай, “Мезон ул-авзон”да 144 вазнни тадқиқ этган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ана шу икки китоб билан яхши таниш бўлган ҳолда амалий ва назарий аруз илми билан қоникмай аруз юзасидан фундаментал тадқиқот яратиб, 536 вазнни ўрганган ва ўз асарини шунинг учун ҳам “Муфассал” деб атаган.

Биздаги илмий нашр эса Бобур хизматларини номидаёқ камситган. Буни зудлик билан тузатиш лозимдир.

Б) Бобур шеърятининг русча таржимасида мумтоз шоиримизнинг ушбу рубойиси:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату ғамлар кўрдум
қўйидагича нашр этилган:
Каких страданий не терпел и тяжких бед Бабур?
Каких не знал измен, обид, каких клевет Бабур?
Но кто прочтет “Бабурнаме”, увидит, сколько мук,
И сколько горя перенес цар и поет Бабур!*

Бу матнни ўқиган китобхон Бобур ўз асарини “Бобурнома” деб атаган ва буни рубойисида муҳрлаган экан, деган хато тасаввурга эга бўлади. Сир эмаски, Бобур “Бобурнома” деган асар тугул, бундай сўзни умуман эшитмаган ҳам эҳтимол. Демак, таржимада “Вақоеъ” (воқеалар) сўзини русча таржимада бериш ва тегишли изоҳ билан таъминлаш лозим эди.

“Бобурнома”нинг жаҳон тиллари таржималаридаги жиддий нуқсонларни тезроқ бартараф этиш муаммоси ҳам муҳимдир. Чунончи, биз атоқли таржимон, таржима ишининг мумтози, араб, форс ва туркий тиллардан энг нодир асарларни таржима қилган Михаил Александрович Сальени “Бобурнома”нинг моҳир рус таржимони сифатида таниймиз.

Этироф этиш жоизки, Ўзбекистонда “Бобурнома”ни русчага ўгириш учун М.А.Сальедан муносиброқ номзод йўқ эди. У қомусий асарни қойилмақом қилиб таржима қилган.

Бобуро на услубни рус тилида яхши тиклаган. Рус тилида “Бобурнома”ни ўқиган киши аслиятни ўқигандай тўғри ва мукаммал тасаввурга эга бўлади. Бироқ китобнинг масъул муҳаррири таржимон билан сўзма-сўз қиёслаш жараёнида қатнашмаган. Юзаки ўқишда сезган камчиликларини тузатиб, сўзбошида қилган меҳнатининг муфасссал баёнини берган. Таассуфки, бобуршуносликни ўша пайтдаги ҳолати ёки мутахассисларимизнинг лугатдаги оқсашлари туфайли нашрда юзлаб жиддий таржима хатолари содир этилган.

Ачинарлиси ўзбек матнчиларимизнинг хатолари русча таржима нуқсонларини янада бойитган. М.Салье асарнинг Ҳайдаробод нусхасидан фойдаланганини қайд этган. Бироқ унинг қайта-қайта кирилчадаги ўзбекча “Бобурнома”га мурожаат этгани билиниб қолаверади. Масалан, Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар нашрга тайёрлаган “Бобурнома”дан мисол олайлик: матнда сўз Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх мирзо устида бормоқда: “Адолати шу мартабада эдики, Хитой карвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ карвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассиллар йибориб, карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандики вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир йил, икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди”. (“Бобурнома”. 1960, 64-бет).

Энди шу матннинг русчасига — М.А.Салье таржимасига назар солайлик: “Справедливость его достигла высокой степени. Однажды, когда из Китая шел караван, то у подошвы гор к востоку от Андижана караван из тысячи людей так засыпало снегом, что спаслис только два человека. Омар Шейх Мирза послал сборщиков и задержал все товары каравана. Хотя наследников налицо не было, Омаршейх Мирза сберег товары несмотря на то, что сам нуждался. Год или два спустя он вызвал наследников из Самарканда и Хорасана и вручил им их товары в целости”.

Ана шу парчанинг қиёси биз таржимашуносларга учта жиддий хато содир этилганини кўрсатади. Таржимоннинг биринчи айби эски ўзбек тилидаги “ўй” сўзини тушунмаганидир. “Ўй” қорамол демакдир. “Тиши ўй” — сигир бўлади.

Русча талқинда минг кишилиқ карвон Хитойдан йўлга чиқиб, Андижон яқинидаги қор кўчкисида қолиб, 998 киши фожиали ҳалок бўлган. Аслида эса, мутлақо бошқа гап. Хитойдан мингта қорамол олиб келаётган карвон

одамларини (булар ўнтадир, ўн беш кишидир эҳтимол) қор босиб, икки киши омон қолади. Қор босиб қолган қорамоллар ҳисоби эса айтилмаган. Демак, бу фожиада 8-10 киши қурбон бўлган.

Зийрак таржимон “моллар” сўзидан гап қорамол ҳақида кетаётганини сезса бўларди... Бу иккинчи хатодир.

Учинчи нуқсон худди аввалгисидай ўта қўпол бўлиб, бунинг айбдори аввало ўзбек матнчиларимиз, қолаверса, Сальенинг бу нусхага ишонгани, “эҳтиёж” сўзини асарнинг Ҳайдаробод нусхасига солиштириб кўрмагани оқибатидир. “Бобурнома”нинг эски ёзувдаги барча нусхаларида, жумладан, Ҳайдаробод нусхасида ҳам бу сўз “эҳтиёт” эди...

Биргина шу нуқсон туфайли Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх Мирзо савдогарлар молига муҳтож нотавон тарзида талқин қилинган.

Бобуршуносликдаги энг йирик муаммо матншунослик соҳасига тегишлидир. Тўғри, ўтган асрнинг 60-70-йилларда Бобурнинг ижодий шахсига соя ташлайдиган хато ўқишлар, очикча айтсак, русум(мода)да эди. Агар русумда бўлмаса, Бобурнинг “Фан” нашриётида босилган китобларида қуйидагидек байтлар учрармиди?:

Тамаъ тунма фалакдин комким ханжар қилур шом,

Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўли ёр магар.

(“Мухтасар”, 127-бет)

Эпақадагиси:

Тамаъ тутма фалакдин комким ханжар қилур ошом,

Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўли бозингар.

Босилгани:

То сиришим чекиб дард қаддим қилди ҳам,

Айлаки эл ҳуллани тортиб этар... ? кўр.

(“Мухтасар”, 114-бет)

Байтнинг тузуккина нусхаси:

Тори сиришим чекиб дард қадим қилди ҳам,

Ўйлаки эл ҳуллани тортиб этар пойкўб.

Бобуршунослар матнчиликда кўпинча идрок ва шеърят мазмун-мантиғидан кўра тўғрими-нотўғрими нусха ёзувга ёпишиб оламиз. Бунинг натижаси шу бўладики, “Ҳарару Бобур” (Бобур муҳаррир, Бобур ёзган) деган нусхадан олингани рўқач қилиниб, эллиқ йилдан бери мазмун ва мантиқдан маҳрум бўлган қуйидаги байтни мумтоз шоир Бобурга нисбат беришдан ийманмаймиз:

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,

Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.

Бундай талқинни оммалаштириб, янгилик яратилгандек, гўё, ҳолбуки, бу матн ҳақиқати 1976 йил кашф этилган, “Ўқитувчи” нашриёти чоп этган Бобурнинг “Танланган асарлар”ида (1976, 1983 йилги босмалари) эълон қилинган.

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлагилким, андижонийдур.*

Нашр нусхаларини солиштириб матн ҳақиқатига яқинлашиш ҳам матншунослик усулларида ҳисобланади-ку? Нега энди қиёслаб, “Ким ҳақ? Қайси сўз тўғри?” деб, фикр юритиш керакмидан?

Бундай эътиборсизликлар натижасида мумтоз шоир Бобур ижодининг бузиб кўрсатишга хизмат қилади.

Ёки деярли бир аср давомида Бобурнинг бир рубоийси ўз таржимаи ҳоллик хусусиятидан маҳрум этилиб, барча нашрларда шундай тарзда босилди:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Ғар ул сори борсанг, бу дурур дилхоҳим —
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгайсен,
Ғар сўрса мен хастани гулрух моҳим.*

Биз Бобур ҳаётини асослироқ ўрганишга ҳаракат қилиб, рубоийнинг тўртинчи мисрасида ийҳоми зулвужуҳ — кўп маъноли ийҳом санъати қўлланилганини аниқладик. Натижада ўша биргина мисра тўрт мазмунда эканлиги маълум бўлди:

*Ғар сўрса мен хастани Гулрух моҳим.
Ғар сўрса мен хастани гулрух Моҳим.
Ғар сўрса мен хастани Гулрух, Моҳим.*

Демак, **Бобур бадий маҳорати кўп қирралилигига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим экан.**

Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда йўқ жойдан муаммо келтириб чиқарувчилар ҳам топилади. Чунончи Наманган давлат университетининг доценти Алихон Халилбеков “Наманган адабий гулшани” номли йирик тадқиқотида Бобур ижодини ўрганишга 16 саҳифа ажратган, бу билан у Бобур таваллуд байрамига ўзига хос илмий ҳадя билан келган.

Бироқ у кишининг фикрларида мунозараларга сабаб бўладиган омиллар ҳам йўқ эмас. Масалан: **Бобур “Ахсида туғилган, Ахсида тахтга чиққан”,** деган янги муаммоли маълумотни эълон қилган. Ҳолбуки, барча Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари ўз асарларида Бобур Андижонда туғилганини қайд этганлар.

Мазур тадқиқот натижасида Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ муаммоларининг айримларига тўхтдик.

Демак, бундай муаммоларни бартараф этиш, ечимини топиш бугунги кундаги тарихчи ва адабиётчи олимлар томонидан эътиборга сазовар масаладир. Бобур ижоди ва фаолиятининг ўрганилмаган томонлари кўп деган хулосага келдик.

Келгусида Бобур фаолиятига даҳлдор бўлган, бирламчи манба ҳисобланган “Бобурнома” асарини янги нашрни тайёрлашда, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш жоиздир.

- "Бобурнома"нинг Республикамизда чоп этилган аввалги нашрларида йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш;

- дунё кутубхоналари, музейларидаги қўлёзмаларни жиддий ўрганиш (ваҳоланки, бу фондларда сақланаётган биргина форсий қўлёзмаларнинг ўзи 68 та);

- профессор Э.Мано яратган "Танқидий матн"ни ҳам асос қилиб олиш, ундан танқидий равишда фойдаланиш;

- асарнинг ҳозирга қадар ўрганилмаган Россия кутубхоналаридаги қўлёзмаларини жалб этиш;

- "Тўла асарлар тўплами"ни, жумладан, "Бобурнома"ни мукаммал изох ва шарҳлар ҳамда кўрсаткичлар билан таъминлаш, А.С.Бевериж хоним, Эйжи Мано тажрибасини оммалаштириш;

- "Бобурнома"даги Афғонистон ва Ҳиндистонга оид сўзлар имлосидаги хатоларни тузатиш;

- Бобур асарларида учрайдиган ва ўқувчи учун тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг мукаммал луғатини яратиш. Бунда П.Шамсиев, С.Мирзаев, Х.Назароваларнинг тажрибасига таяниш;

- Андижондаги Бобур музейи манбаларидан унумли фойдаланиш;

- "Бобурнома"ни оммалаштиришда академик Ҳамид Сулаймон тайёрлаган миниатюралар нашридан истифода этиш.

Зеро, "Бобурнома"нинг 1948-1949, 1960 ва 2002 йилги нашрлари матний-қиёсий таҳлили асарнинг мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш заруратини кун тартибига қўяди. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратишда мавжуд барча тажрибаларни — ўзбек ва хориж олимлари тадқиқотларидаги ютуқларни ҳисобга олиш тақозо этилади.

ХУЛОСА

Тарих зарварақларини кўздан кечирар эканмиз, бир асрда инсоният солномасида алоҳида из қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги мавқеи, яратган илмий, бадиий мероси билан ибрат намунаси бўла оладиган шахслар яшаб ўтганини англаймиз. XV-XVI аср ўзбек халқи, адабиёти, маънавияти тарихида Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ана шундай шахс силсиласига киритиш мумкин.

Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарий адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина “Бобурнома” унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси. Балки, бобурийлар жаҳон тарихида энг узоқ йиллар ҳукмронлик қилган сулола бўлиб чиқар...

Бобур Мирзо тарихий шахс сифатида мураккаб, кескин зиддиятларга тўла ҳаёт йўлини бошидан кечирган, Афғонистону Ҳиндистон учун урушлар олиб боргани рост. Лекин у ўша давр нуқатаи назаридан қараладиган бўлса, бобоси Амир Темур асос солган империяни тиклашга ҳаракат қилганлигини кўрамиз.

Ваҳоланки, кўплаб адабий мерос қолдирган, Ўрта Осиё тарихи, географияси ҳақида маълумот берувчи шоҳ асар яратган бундай ижодкор шоҳни қоралаш, фақат бўрттириш ва бўхтондан бошқа нарса эмас. Бобур шахсини ўрганиш жараёнида бунга амин бўлиб бориш мумкин. Шу ўрнида ҳиндистонлик олим Муни Лаълнинг «Бобур» асаридаи ихчам бир парчани келтириш жоиздир: «...У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик ила эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалар иморатини кура олди. Қийинчиликда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди. Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар ила ўлчанади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990, 19 октябрь).

Бобур ва бобурийлар бунёд этган боғлару меъморий обидалар Афғонистон ва Ҳиндистон қиёфасидаги нурли нуқталардир. Худди шундай гапни улар қолдирган маънавий хазина ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Заҳириддин Бобур умрининг ўзи авлодларга ибрат намунасидир. У 47 йил яшаган бўлса ҳам баракали ижод этиб, ўзгаларнинг юз йил яшаб ҳам улгурмайдиган ишларини адо этди. Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ, диншунос олими сифатида, шариат аҳкомларини мукамал билган ва бу борада рисола ёзган, араб алифбосининг

мураккаб, ўрганилиши оғир бўлганлиги боис янги “Хатти Бобурий” алифбосини яратган, давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига қулай тарзда тартиб берган ва яна канчадан-канча ислохотларни амалга оширган, борган ерида ободончилик, боғ-роғ барпо этган, Мовароуннахр тамаддунини Шарқда тарқатган буюк шахсдир.

Унинг дунё тан олган шахс бўлганлигини қуйидаги сифалар ҳам яна бир бор асослайди:

У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва мурувватпешалиги устун келарди.

Мирзо Ҳайдар

"Саодатманд шоҳ" — Бобур Мирзога ҳинд тупроғида беш йилгина ҳукмдорлик наъшасини суриш насиб этди, холос. Жангу жадаллар, мислсиз уқубатлар, чексиз инсоний изтироблар, ватан соғинчи билан йўғрилган бу йиллар янги туркий-ҳиндий давлатининг шаклланиш даври ҳамда ҳассос шоир Бобур шеърий ижодининг гуллаган бир фасли бўлди.

Ҳ. Султонов

Унинг услуби оддий ва мардона, жонли ва образли. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Шу жиҳатдан бу асар («Бобурнома») Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир.

Монстюарт Элфинстон (инглиз шарқшуноси)

Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди.

Ҳасанхўжа Нисорий

"Бобур давлати, гарчи боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салтанатининг султони, буюк императори даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизимини маҳкам тутиб, уни мохирлик билан идора қилди. Бу ўлкани 332 йил давомида маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди".

Румер Годен

"Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган".

Жавоҳарлал Неру

«Одамзот борки, авлод-аждоди. Ватанининг тарихини билишни истайди», дейди Президентимиз Ислам Каримов. Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритган дастлабки даврданоқ миллий маънавиятимиз, миллий ўзлигимизни англашга кенг имконият очилди. Биз энди ўтмиш

тарихимизни холис ўрганиш ота-бобларимизнинг улуг ишларидан фахрланиш ҳиссини туюшни зарурий вазифамиз этиб белгиладик. Адабий ва тарихий асарларимизни чуқурроқ ва холис урганишга киришдик.

Бобур нафакат узбек адабиётининг балки жаҳон адабиётининг улут номояндаларидан биридир. У улмас асарлари билан жуда куп халкларга манзур бўлиб, уларнинг мумтозсанъаткорлари каторидан урин олди ва бадий адабиёт тараккиётига самарали таъсир этди.

Бобур урта асрнинг зиддиятли ҳаёт тўлқинига дуч келди, мураккаб муҳит унинг дунёқарашида айрим жиддий зиддиятларни вужудга келтирди. Бирок, у халк ва ватан учун, инсон ва унинг бахти саодати учун кураш йулидан чекинмади, инсонпарвар ва маърифатпавварликнинг оташин жарчиси сифатида ижод қилди, қачон бўлмасин инсониятни зулм-зурликларидан, жанггу жадаллар ситамларидан халос бўлишига, адолат ва маърифат барибир тантана қилишига комил ишонч билан қаради.

Бобур меросининг жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаши, асарларининг бу бу қадар муваффақият қозониши, аввало асарларининг аҳамиятли ва афзалликларига эга, мукаммал ва қулай, содда «тил» да яратилганлиги бўлса, яна бир жихати Бобурнинг характер хусусиятларида инсоний фазилатларнинг мужассамлиги, унинг севишга, ҳурмат қилишга муносиб бетакрор сифатларидир.

Бевосита, Бобурнинг «Бобурнома» асари билан биргаликда, ҳар бир лирик мисраларида мемуарлик хусусияти, ҳаёт ҳақиқати мужассам. Муаллиф ҳар бир шеърида бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни, бор тафсилотларини борича акс эттиради, бurtтирмайди, ўзини идеал кўрсатишга уриниб, нуқсонларини беркитмайди.

Бобур характерига хос хусусиятларни тарихчи олим Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Мирзо Муҳаммад Хайдар, Бобурни: «сон-саноксиз яхши фазилатларга эга эди, довураклик ва валоматликда ҳамманинг орасида ажралиб турарди», -деб тасвирлаган. Дарҳақиқат, Бобур ижодини мутолаа қилган киши Бобурнинг мардлиги, ишонувчанлиги, кенг қалбли, беғубор табиатли, самимий ҳислатларга бой, Нуру таъбири билан айтганда, «дилбар шахс...» лигининг гувоҳи бўлади.

Ватан соғинчи, юрт тупроғини соғиниб, ҳижрон, дард туйиб яшагани ва бутун ҳаёти давомида бу оғир «дард» юкини кутариб яшаш қисматини айланганини хис қилиш қийин эмас. Шунингдек, тарихнинг қўхна қатламларига сигиб кетган манбалар, ҳозирда тукилиб, йук холга келган тарихий обидаларнинг ўрни ёки қадимий номлари, қиёфаларини бугун «Бобурнома» орқали кўз олдимишга қайта тиклай оламиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси, инсоний олийжаноблиги, тарихий-маърифий,

шу билан бирга, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан кадрлидир. Комиллик белгиси бўлган-инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, осойишталик ва биродарлик учун кураш ғояларини хормай-толмай куйлаган Бобур, мустақил Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қушадиган, қушаётган баркамол ёшларимизни тарбиялашда, тинчлик, демократик жамият қуриш учун курашаётган, бир сўз билан айтганда, салоҳиятли, қобилиятли халқимиз фарзандлари ўтмиш меросиз ҳамда ўз тарихимизни ўрганишда дастурул амал вазифасини ўташи ажаб эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1998.
3. Адизова И. Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.
4. Азимжонов С. Бобурнинг Ҳиндистон девони. - Тошкент: Фан, 1966.
5. Бахтиёр Омон. Бобурнинг болалиги. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2002.
6. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. Таржимон, сўз боши ва изохлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. — Тошкент: Фан, 1992.
7. "Бобурнома" учун қисқача изохли луғат. Тузувчи: Ф.Исҳоқов. - Андижон, 2008.
8. Буюк сиймолар, алломалар. (Марказий Осиёдаги машхур мутафаккир ва донишмандлар). - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
9. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. — Тошкент: Маънавият, 2008.
10. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. 1-қисм. Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев, - Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. 2-қисм. Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. — Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948.
12. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевлар табдил қилишган. - Тошкент: Ўқитувчи, 2008
13. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Китобу-л-ҳаж. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан.- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
14. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Китоб ус-салот. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ғарибинг андижонийдур. Сайланма, шеърлар. Нашрга тайёрловчи. В.Раҳмонов. — Тошкент: Шарқ, 2008.

16. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. - Тошкент: Меҳнат, 1993.
17. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
18. Комрон Мирзо. Девон. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. - Тошкент: Фан, 2004.
19. Муҳиддинов Заҳириддин. Бобур Мирзо. - Андижон: "Андижон нашриёт- матбаа" очик акциядорлик жамияти, 2005.
20. Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. — Тошкент: Фан, 1972.
21. Низомиддинов Н.Ғ. Бобурийлар даври Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти, Тошкент: 2010.
22. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. — Тошкент: Фан, 1994.
23. Стеблева И.В. Заҳириддин Муҳаммад Бобур — поэт, прозаик и ученый (1483- 1530), - Ташкент: Фан, 1983.
24. Файзиев Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. — Тошкент: Ёзувчи, 1996.
25. Хондамир. Буюклик хислати. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблар. Форс тилидан тарж., кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи И.Бекжон. Тошкент: Шарқ, 2011.
26. Шамсутдинов Р., Абдуллаев Ф., Расулов Б., Убайдуллаев Ў., Ҳошимов С. Буюк бобурийлар сулоласи. — Андижон, 1993.
27. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. — Тошкент: Маънавият, 1998.
28. Шоҳ ва шоир заҳириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдоналари. Нашрга тайёрловчи Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли. — Тошкент: Шарқ, 1996.
29. Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. — Тошкент: Чўлпон, 1995.
30. Қамар Раис. Бобур шахсияти ва шеърляти. — Андижон: Андижон нашриёт- матбаа очик акциядорлик жамияти, 2007.
31. Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Хожа Юсуф Андижоний. Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.
32. Қаюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. — Асарлар, 5-жилд, — Тошкент: "Мумтоз сўз", 2009.
33. Қобил Мирзо. Қаро зулфинг. Бобур ғазалларига мухаммаслар. — Андижон: Андижон нашриёт-матбаа очик акциядорлик жамияти, 2008.
34. Қодирова М. Зебуннисо, — Тошкент: Фан, 1982.
35. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. — Тошкент: Фан, 1996.

36. Ҳасанов С. Бобирнинг "Аруз рисоласи" асари. — Тошкент: Фан, 1981.
37. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. Эсселар ва адабий-танқидий мақолалар. — Тошкент: Шарқ, 2007.
38. Заҳируддин Муҳаммед Бабур. Векайи, Бабуръун ҳатирати, жилт И-III. Анкара, 1944-1946.
39. Г.Ф.Благова. К истории изучения "Бабур-наме" в России. Тюркологический сб. к. шестидесятилетию А.Н.Кононова. М.: Наука, 1966. С.175.
40. С.Ҳасанов. Бобур куллийетининг Техрон нусхаси // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2005 йил. 1 январь.
41. <http://baburname.narod.ru/nravy.htm>
42. <http://images.yandex.ru/yandex>

ИЛОВАЛАР

Бобурнинг қисқача шажарасини
шундай кўрсатиш мумкин:





Мирзо Бобур портрети. 1990 йил. Рассом Ғофур Абдурахмонов.



Хуршид Назиров чизган миниатюралардан



Вильям Рашбрук

**Хуршид Назиров чизган
минатюралардан**



БОБУР АСАРЛАРИ НАШРЛАРИДАН НАМУНАЛАР



БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ХАРИТАСИ

